

«...Яхши замонлар ҳам келар экан. Худога шукр, ота-бувалари етолмаган ниятларга неваралар-чевараларимиз эришяпти. Хукуматимиз ишлайман, деганга шароит яратиб берапти.

3 бет

Осойишта юрда юксалиш бўлади. Фаровон элни хотиржамлик тарк этмайди. Тинчлик ҳукм сурган мамлакатгина тараққиётга интила олади.

4 бет

Қандай қилиб шунча расм-русумни бир кунда ўтказиш мумкин? Ахир, одатда, тўйдан икки кун олдин «новвой», «муборакбод», «кўрпа йиғди», «базм» деган маросимлар бор.

6 бет

# Маҳалла

31 (737)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 5 август. Пайшанба

1996 йилдан чиқа бошлаган

ISSN 2010-7013

Матбуот анжумани

Инкирозга қарши чоралар дастури — амалда

## "МАҲАЛЛА КУНИ"ГА БАҒИШЛАНДИ

ШУ КУНЛАРДА бутун мамлакатимиз бўйлаб энг азиз, энг улуғ байрамимиз — мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигига қизгин тайёргарлик кўриляпти. Август ойи юртимизда ободонлаштириш ойи, деб эълон қилинган боис барча маҳалларимиз, гузарларимиз, кўча ва хонадонларимиз янада чирой очиб, кўркам ва гўзал бўлиб бормоқда. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида "Маҳалла кунин", деб номланадиган ўзига хос, бетакрор саховат тадбирини ўтказиш яхши анъанана айланган. Маҳалла кунлари август ойининг биринчи ҳафтасида ўтказилади ва у айнан катта байрам шодоналари бошланаётганидан дарақ беради.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви томонидан жойларда "Маҳалла кунин" тадбирини кўтаринки руҳда ўтказиш, байрам кунинда фидойи инсонлар меҳнатини муносиб баҳолаш, раббатлангирликнинг бир қатор масалаларга бағишлаб, «Батан маҳалладан бошланади» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ХАЁТ > [2]

## ИНВЕСТИЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

Наманган шаҳридаги "Vodiy iragi" масъулияти чекланган жамияти иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш борасида олиб борилаётган кенг камровли ислохотлар самарасида ривожланишга юз тутди.



СУРАТДА: "Vodiy iragi" масъулияти чекланган жамияти гиламдўзи Сурайё Варисова. Хотам Мамадалев (ЎзА) олган сурат.

Собиқ "Атлас" ва "Сияк Роад" акциядорлик жамиятлари банкротга учраб, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки балансига ўтказилган эди. Шундан сўнг бу ерда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида кенг кўламли ишлари бажарилади. Банк қошидаги "NBU INVESTMENT" очик акционерлик жамияти томонидан киритилган уч миллиард сўмдан зиёд сармоя эва-

зига корхонанинг бино ва иншоотлари, мавжуд технологик дастгоҳ ва асбоб-ускуналари муқамал таъмирдан чиқарилади. Қисқа муддатда барқарор фаолият кўрсата бошлаган корхонада пилла хомашёси ҳамда чиқиндиларидан табиий ва разна ипақ маҳсулотлари ишлаб чиқариламоқда. Корхона йилига 150 тонна табиий, 130 тоннадан зиёд пилла чиқиндисидан ипақ ишлаб

чиқариш қувватига эга. Бу ерда минг нафардан зиёд киши иш билан таъминланди. "Vodiy iragi" масъулияти чекланган жамиятида жорий йилда 25 тоннага яқин табиий, 28 тонна пилла чиқиндисидан ипақ ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг асосий қисмини ташқи бозорда сотиш режалаштирилган бўлиб, ўтган йилда Япония ва Ҳиндистонга 254 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот

экспорт қилинди. Маҳаллий корхоналар, хунарманд-тадбиркорларга ҳам ярим миллиард сўмлик ипақ етказиб берилди.

Корхона жамоаси фаолиятини кенгайтириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида изланмоқда. Натيجида хонагас ва гилам тўқиш цехлари ишга ту-

шириди. Айни пайтда улаб хунармандлар, хусусан, ёшлар бу ишга жалб этилди. Гилам тўқиш борасида касаначилик йўлга қўйилиб, Чортоқ ва Наманган туманларидан 30 нафар гиламдўз хунармандлар уй шароитида корхона буюртмаларини бажараётир.

Акрамжон САТТОРОВ, ЎзА мухбири.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги

## ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ

— Мустақиллик йилларига қадар бўлган даврни эсласам, кўнгли хотиржамлиги нима эканини билмай яшаганимни англайман, — дейди Навоий шаҳридаги "Тинчлик" маҳалласида яшовчи, 35 йил таълим тизимида меҳнат қилган Сафаргул Матмуротова.

— Мустақиллик бизга ўзимизга ишонч ва ғурур ҳиссини инъом этди. Бугунги осойишта, фаровон турмушимиз, қалбларимиздаги шукроналик Мустақиллик шарофатидандир. Баъзан кўпроқ пул топиш илинжида ўзга юрталарга интилган ва алаоқибат одам савдоси билан шуғулланувчи нопок кимсалар домига илиниб қолган айрим ҳамюртларимизга ҳайрон қоламан, ачинаман. Инсон бахтни, қадр-қимматини, тўқинликни фақат киндик қони томган она юртида топади.

"Тинчлик" маҳалласида икки миң беш юз нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда замонавий мактаб ва мактабгача таълим-тарбия муассасаси, врачлик пункти, дорихона, ўнга яқин савдо ва маиший хизмат шохбачалари қад ростлаган. Ўтган йили маҳаллага тоза ичимлик суви келтирилди. Қўлаам-зорлаштириш, ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан бажарилаётгани боис маҳалла тобора чирой очиб бораётир. Ҳозир бу ерда муҳташам тўйхона ва қатор хизмат кўрсатиш шохбачалари қад ростлаган. Қўлаам-зорлаштириш, ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан бажарилаётгани боис маҳалла тобора чирой очиб бораётир. Ҳозир бу ерда муҳташам тўйхона ва қатор хизмат кўрсатиш шохбачалари қад ростлаган. Қўлаам-зорлаштириш, ободонлаштириш ишлари уюшқоқлик билан бажарилаётгани боис маҳалла тобора чирой очиб бораётир.



— Соғлом бола, «Мен соғлом турмуш тарзини танладим» каби мавзуларда мутахассислар иштирокида ўтказилган давра суҳбатлари маҳалла аҳлида катта таассурот қолдирди. Айни кунларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига тайёргарлик доирасида турли маданий-маърифий тадбирлар, огоҳлик ва ҳушёрликни кучайтиришга қаратилган тушунтириш ишлари олиб бориламоқда.

— Маҳалла фаолларини жалб қилган ҳолда «Орият», «Тун», «Тозалаш» сингари профилактик тадбирлар ўтказилди, — дейди "Тинчлик" маҳалласи профилактика ноэри Садриддин Жадиев. — Жорий йилнинг ўтган даврида маҳалламизда бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Ёшлар, хусусан, тарбияси оғир ёшлар билан ишлаш самарадорлиги ҳам ошмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 19 йиллигини тинч ва осойишта, уюшқоқлик ва шод-хуррамлик билан нишонлаш учун барча мутасадди ташкилотлар, бутун жамоатчилик ўзаро ҳамкорликда қизгин тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Ёрқул УМАР, ЎзА мухбири

Бозор — кўзгу

## СИЁБНИНГ СЎНМАС ШУҲРАТИ

Самарқандга келган меҳмон, сайёҳ борки, шаҳардаги тарихий обидалар, муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиш билан бирга, албатта, Шарқнинг ўзига хос савдо мажмуаси сифатида ном қозонган Сиёб деҳқон бозорида ҳам бўлади. Зеро, халқимиз турмуш тарзи ва савдо маданияти, заманимизда етиштирилган турли ноз-неъматлар ҳақида ёрқин тасаввур уйғотувчи ушбу қадимий бозор шуҳрати бутун дунёга таралган.



Президентимиз Исроом Каримов ташаббуси билан кейинги йилларда Самарқанд шаҳрида, жумладан, Сиёб деҳқон бозорида улкан бунёдкорлик ва реконструкция ишлари амалга оширилади. Бозор ҳудудини кенг микёсда ободонлаштирилиб, кўплаб миллий руҳдаги замонавий савдо расталари, павильонлар, зарур шохбачалар бунёд этилади. Сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароит яратилди.

— Катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишларини уч босқичда амалга ошириш белгиланган, — дейди «Сиёб деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти хузуридаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари дирекцияси раҳбари Абдукарим Абдуғаниев. — Ҳозиргача икки босқичда кўзда тутилган вази-фалар тўлиқ бажарилиди.

ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ХАЁТ > [2]

Инновация — тараққиёт омили

## ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР — ҲАЁТГА

Бугунги замонавий технологиялар асрида инсониятнинг неча минг йиллик интилишлари, умидлари ҳаётда ўз инъикосини топаётир. Бу, албатта, жамият тараққиёти, инновацион технологияларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши самарасидир. Чунки илмий лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва ҳаётга жорий этиш замонавий технологияларнинг ривожланишида, мамлакат иқтисодийнинг юксалишида, барча жабҳалардаги янгиланишларда муҳим омил саналади.

Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда инновацион лойиҳалар ривожланишига кенг имкониятлар яратиб бериламоқда. Айниқса, таълим тизими янада такомиллаштириш, инновацион лойиҳалар асосида масофавий таълимни жорий этиш кейинги йилларда дунё мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам оммалашиб бормоқда. Чунки турмушимизда компьютер технология-

лари ва интернетнинг аҳамияти ошиб бораётгани бу янгиланишларга замин ҳозирламоқда. Шу сабабли кейинги йилларда интернет орқали масофавий таълим тизимини жорий этиш учун кўплаб дастурлар ишлаб чиқилимоқда, ҳатто электрон кутубхоналар базаси ҳам яратилаётир. Бу ёшларимизнинг чуқур билдони эгаллашларида, турли китобларнинг электрон вариантдан фойдаланган



ҳолда етук мутахассис бўлиб етиштириларида муҳим аҳамият касб этади.

ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ХАЁТ > [2]

Маҳаллада саноат

## ИЗБОСКАНДА ЯНА БИР КОРХОНА

Избоскан тумани Чувама қишлоғи "Узункўча" маҳалласида 150 нафардан зиёд аҳоли доимий иш билан таъминланди. Бу ерда Хитой Халқ Республикасининг «Cotton Angel Textill» компанияси томонидан йилга ўн минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона иш бошлади. У ўзининг асосий маҳсулотини хорижга экспорт қилади.

— Айни пайтда корхонада 176 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, — дейди корхонанинг ижрочи директори Саидакбар Зайнобиддинов. — Ишлаб чиқариш қувватларининг оширилиши туфайли келгуси йилнинг охирига бориб ишчилар сонини 300 нафардан ошади.

Янги корхонани мутахассислар билан таъмирлаш муаммо тулдиргани йўқ. Чунки маҳалла аҳолисининг асосий қисми собиқ "Чувама" очик

акциядорлик жамиятида ишлаб, катта тажриба тўплаган эди. Шунинг учун улар хитойлик ҳамкасблари билан бирга замонавий дастгоҳларни ўрнатиш, соғлаш ва ишга туширишда қийинчилик сезмадилар.

— Қишлоғимизда янги корхонанинг очилиши билан маҳалламизнинг қиёфаси ҳам бутунлай ўзгариб кетди, — дейди "Узункўча" маҳалла оқсоқоли Абдуҳали Усмонов. — Андижонга олиб борувчи

катта йўл ёқасида гулзорлар, йўлаклар ободонлаштирилди. Ўриндик ва замонавий ёригичлар ўрнатилди. «Андижонни обода ва кўркам вилоятга айлантирайлик» шиори остида ўтаётган вилоят кўрик-танлови ҳақамлар ҳайъати аъзолари ҳам маҳалланинг ободончилик ишларига юқори баҳо бердилар.

Келажақда хитойлик сармоядорлар нафақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, балки инфратузилмага ҳам маблағлар ажратилиши ўз олдларига мақсад қилиб қўйган. Корхона билан ёнма-ён қатор савдо-маиший хизмат шохбачалари бунёд этилиши режалаштирилган.

Узоқбой САКСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

«Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги

## ЭРТАМИЗДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

Болалар беғубор, содда бўлишади. «Бола кўрганини қилади», дейишади. Фарзанд оилада, кўча-кўй, маҳалла, боғча ва мактабда чиройли муносабатларни кўриб улғайса, унинг қалбига эзгу туйғулар уйғониб бораверади.

Бола онгига оддийгина муомала ҳам катта таъсир кўрсатади. Дейлик, оилада уруш-жанжал, беҳурматликни кўриб ўсаётган болада, ғазаб, нафрат билан бирга, меҳрсизлик пайдо бўлади. Шу боис маҳалламизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда, энг аввало, «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги

муҳим аҳамият касб этмоқда. Албатта, ҳар бир оиланинг ўз муҳити бор. Бундан ташқари, «Фарзандингизга ундай ёки бундай муомала қилинг», дея ақд ўргатиш ҳам яхши натижа бермаслиги тайин. Шу боис биз таъсир этишининг бошқа бир йўлини танладик. Мактаб ўқитувчилари билан келишиб, сценарий ишлаб чиқдик. Ота-оналар-

нинг муносабатлари, оилавий муҳит болага қандай таъсир қилишини акс эттирувчи театрлаштирилган кўринишларни саҳналаштириб, ота-оналарга намоиш қилдик. Бу яхши натижа бера бошлади. Чунки "Бизни акс эттириб-сиз-да, опа. Ҳаммининг олдига кўрсатмай, секингина ўзимизга айтиб қўйсангиз ҳам бўларди", деб гина қилганлар ҳам бўлди. Шундай қилиб, ҳар бир тадбиримиз шунчаки номига, қуруқ маърузалардан иборат бўлмай, қизиқарли, жонли ташкил этила болади.

ТАҚҚОС ВА ТАҲРИБА > [5]

Бозор — кўзгу

# СИЁБНИНГ СЎНМАС ШУҲРАТИ



< [1]

Биринчи босқичда ҳў ва қуруқ мевалар, сабзавот, гўшт маҳсулотлари, нон ва Шарқ ширинликлари павильонларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Миллий меъморчилик анъаналари асосида битта кичик савдо мажмуаси, 15 савдо дўкони қурилади. Барча коммуналхизмат тармоқлари янгиланди. Расталар бир хил кўриниш ва дизайн асосида

қайтадан бунёд этилди. Барча савдо расталари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ҳар бир павильонда назорат тарозилари ўрнатилди. Бозор ҳудудида банк шохобчалари ташкил этилиб, сотувчиларнинг патта тўловларини компьютерлашган тизим асосида тўлаши йўлга қўйилди.

Ўтган йили бажарилган иккинчи босқич реконструкция ишлари давомида бозорнинг маъмурий биноси, учта замонавий савдо уйи ташкил этилди. Айни чоғда бу мажмуаларда паррандачилик маҳсулотлари, ширинликлар, турли истеъмол товарлари сотилмоқда. Бундан ташқари, бозор ҳудудида кенг қўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилиб, 1,2 гектар майдон кўкаламзорлаштирилди. Библиотеканинг мажмуа томондан бозорга кириш дарвозаси янгиланди. Чойхона миллий услубда таъмирланди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишга мўлжалланган иккита савдо мажмуаси ҳам таъмирдан чиқарилади. Шу кунларда давом этаётган учинчи босқичдаги таъмирлаш жараёнида 22 савдо дўкони реконструкция қилиниб, яна иккита ёзи павильон қурилмақда.

Сиёб деҳқон бозори

ҳамиша сайёҳлар билан гавжум. Шарқнинг ушбу бетакрор бозори уларни доимо ўзига оҳанрабодек тортиб туради.

**Шауер ҲЕЛМУТ, германиялик сайёҳ:**

— Шарқ халқлари ҳаётида бозорларнинг ўзига хос ўрин тутиши ҳақида кўп эшитганман. Самарқандда ушбу йирик бозорни кўриб, бу борадаги тасаввурим яна ҳам кенгайди. Барча маҳсулотларнинг турига қараб, алоҳида савдо мажмуаларида сотилиши, сотувчи ва харидорлар учун яратилган шариит замонавий савдо талаблари даражасида йўлга қўйилган. Сотувчиларнинг самимий муносабати, савдо маданиятига ҳавас қилса арзийди. Биз бу ерда маҳсулот харид қилиш билан бирга, халқингизнинг фаровонлиги, қандай яшаётгани, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат тўғрисида ҳам бой тасаввурга эга бўлдик.

**Сумил БАСИЕН, ҳиндистонлик сайёҳ:**

— Табибиёт ходими бўлганим учун юртингизда етиштириладиган мева-сабзавотларнинг витаминларга бойлиги ва шифобахш хусусиятларини яхши биламан.

Агар бу неъматларни ўз ўрнида, меъёрида истеъмол қилиб юрмаса, ҳеч қандай саноатчилик шикоят қилмаслиги аниқ. Биз ҳам ҳавас билан бир неча хил қуруқ мева, нон харид қилдик. Сотилаётган маҳсулотларнинг арзонлиги ва сотувчиларнинг танглиги ўзбек халқи хос чинаяк бағрикентлик ва меҳмондўстлик фазилатларидан далолатдир.

**Дени ЛАФЛЕШ, франциялик сайёҳ:**

— Сиёб бозори Самарқанднинг тарихий обидалари сингари ўзига хос меъморий услубда қурилгани билан мени хайратга солди. Савдо мажмуаларини қуришда тош ва ёғоч ўймакорлигидан самарали фойдаланилган. Айниқса, айвонларнинг баланд ва кенг қилиб бунёд этилиши бозорнинг яна ҳам кўркам ва салобатли бўлишини таъминлаган. Сотилган маҳсулотлар расталарга қўйиш ҳуси ва ёруғлик тушишни ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилган. Умуман, бозор қурилишидан тортиб, бу ердаги тартиб, савдо маданиятида ҳам халқингизга хос миллий руҳ ўз аксини топган.

**Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА муҳбири**

Матбуот анжумани

# "МАҲАЛЛА КУНИ"ГА БАҒИШЛАНДИ

< [1]

Анжуманда жамғарма мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда юртимизда фаоллик юритиётган оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Тадбирни "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.Шералиев очиб, "Маҳалла куни" тадбирини ўтказишдан кўзланган мақсад, шунингдек, ўтган давр мобайнида "Маҳалла" хайрия жамғармаси тизимида амалга оширилган хайрли, савобли ишлар ҳақида таъкирди.

— Бу йилги "Маҳалла куни" саховат тадбирининг ўзига хос жиҳатлари бор, — деди Р.Шералиев. — У "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", деган эзгу юзани ўзиди мўжасам этди. Ушбу эзгу ғоя орқали мустақил мамлакатимизда инсон омили, шаъни, қадриятлари нақадар баланд эканини яна бир бор намоиш этишга интиламан. Зеро, байрам тадбирларини ўтказишдан мақсад аҳолини бирдамликка, ҳамжихатликка даъват этиш, уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатини оширишдан иборатдир. Шу бонис жойларда ташкил этиладиган "Маҳалла куни" тадбирлари доирасида бир йил давомида амалга оширилган ишларини намоиш этувчи кўргазмалар ташкил этилади. Шунингдек, байрам кунлари жойларда миллий ҳаққ ўйинлари фестиваллари бўлиб ўтади. Бу ўйинларга ёшларни кенг жалб этишдан мақсад шу йўл билан улар қалбиди миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларимизга нисбатан ҳурмат, меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотишдир. Қолаверса, тадбир давомида маҳаллалардаги ибратли оилалар рағбатлантирилади, кўрик-танловларга яқун ясалди. Эҳтиётимизда, кам таъминланган оилаларга муруват ёрдамлари кўрсатилади. Байрам одамларда юрта меҳр-муҳаббат, истиқлол-ғоаларига садоқат туйғусини янада оширишга хизмат қилиши, бирдамлик ва саховат тадбирга айланishi лозим.

Ҳар йили "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкор ташкилотлар билан бирга "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-

ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси", "Фуқаролар йиғинларининг энг фаол Яраштириш комиссияси", "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" ширин остидаги "Маҳаллам тарихини ўрганаман" каби ўнлаб кўрик-танловлар, "Маҳалламиз пахлавонлари", "Футболимиз келажаги" сингари спорт мусобақалари ўтказилди. "Маҳалла куни" тадбирларида ана шу кўрик-танлов ва мусобақаларнинг дастлабки босқичи ғолибларини тақдирлаш ҳам анъанага айлиб бораётир.

Хусусан, Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган жамғарма бошқаруви Раёсатининг қарорига биноан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида дастурнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, ёш авлодни маъна ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашни кенг тарғиб қилиш юзасидан 12 мингдан ортиқ давра суҳбатлари, мулоқотлар ва 13 мартаба семинар ўтказилди. Бу тадбирларга бир миллиондан зиёд аҳоли, жумладан, 724 мингта яқин ёш жалб этилди.

Январь-июнь ойлари давомида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда аҳоли ва ёшларни терроризм, диний экстремизм, ғоявий таҳдид ва "оммавий маданият" таъсирларидан ҳимоя қилишга қаратилган 7600 дан зиёд учрашув, 10 мингдан ортиқ давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилиб, уларда кўплаб ёшлар иштирок этди.

Қорамол билан таъминлаш мақсадида барча ҳудудларда кам таъминланган ёш оилалар рўйхати тузилиб, республика бўйича жами 2170 та кам таъминланган ёш оилалар ҳомийлар маблағини жалб этиш ҳолда бепул қорамол тарқатилди.

Республика бошқарувининг ташаббуси билан белгиланган режа асосида биринчи ярим йил давомида Тошкент вилоятидаги 84 та, Тошкент шаҳридаги 172 та маҳалла фуқаролар йиғини масъул котибларининг маалакаси ва компьютер савдо-хонлигини ошириш бўйича ўқув-масъулотлар ўтказилди.

Анжуман сўнгида жамғарма мутасаддилари "Маҳалла куни"ни ўтказиш бўйича муҳрирларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ, "Mahalla" муҳбири.**



Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенгаши, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа ҳамкор ташкилотлар лойиҳаси доирасида Нукус шаҳридаги "Кўнгили нури" маркази қошида янги корхона ташкил этилди.

Бундан мақсад — ижтимоий ҳимояга мўҳтож, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар учун иш ўринлари очилиши, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун яқиндан кўмаклашишдан иборат. Корхона замонавий тивук машиналари билан жиҳозланди.

Ҳозир бу ерда 25 хотин-қиз билан меҳнат шартномаси тузилди.

**СУРАТДА: (ўртада) «Кўнгили нури» маркази раҳбари Ойзода Нурулбекова тукуви қизлар Олтиной Азизова ва Наргиза Ажибоева билан.**



## Республикамиз маҳаллаларида

### РАЁСАТ ЙИГИЛИШИ

"МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг Суҳроқдарё вилояти бўлими бошқарувида 2010 йил 1-ярим йил якунларига бағишланган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий бўлими бошқаруви мутасаддилари иштирок этишди.

Йиғилишни жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Э.Кўчкинов очиб, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқарувининг 2010 йилга мўлжалланган иш режаси ва «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Уша кунги жамғарманинг шаҳар ва туман бўлими бошқаруви раислари, масъул котиблари, бош мутахассислар ва ҳисобчилари иштирокида ўқув-семинар ҳам ўтказилди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Юксак маънабият — енгилмас куч» асари, фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид фармон,

қарор ҳамда маърузалари мазмун-моҳиятини маҳаллаларда кенг тарғиб қилиш, жамғарманинг туман бўлими бошқаруви ташаббуси билан маҳаллаларда одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш, ҳамкор ташкилотлар билан ёшларни ғоявий таҳдид ва "оммавий маданият" таъсирларидан ҳимоя қилиш, ёш оилалар ўртасида репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш юзасидан қилинган ишлар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Раёсат йиғилишида кун тартибидида масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Уша кунги жамғарманинг шаҳар ва туман бўлими бошқаруви раислари, масъул котиблари, бош мутахассислар ва ҳисобчилари иштирокида ўқув-семинар ҳам ўтказилди.

**Мухбиримиз.**

## ЁШЛАР УЧУН ИШ ЖОЙЛАРИ

ҚОРАСУВ шаҳар Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Биололидин Шарофидинов ўз уйида пайпоқ тўқиш цехини ташкил этиб, 5 нафар ёш иш билан таъминлади.

— Тадбиркорнинг усқуналар сотиб олишига банк томонидан берилган кредит қўл келди, — дейди «Ҳамкорбанк»нинг Қўрғонтепа филиали кредит бўлимининг бошлиғи Азамат Раҳмонов. — Баркамол авлод йилида ёшларимиз учун янги иш жойлари яратилишига қаратилган лойиҳаларни молиялашти-

ришга катта эътибор берамиз.

Банк кўмаги, ажратилаётган имтиёзли кредитлар эвазига тумандаги «Давронбек замин юлдузи» фермер хўжалигидаги чорва боши сони салкам қирқтага етказилди. Бунинг натижасида 4 киши ишга жойлашди. Қўрғонтепа шаҳрида истиқомат қилаётган Муҳаммад Хусанова, Диляноза Умарова ташкил қилган чеварчилик цехларида 5-6 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Ўш бошдан бери банк кредитлари ҳисобига туманда юзга яқин иш ўринлари яратилди.

**Мухбиримиз.**

## КЎЗАЛАР ЖИЛОСИ, ХУМЛАР СЕҲРИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ кулолчилик санъати шуҳратини оламга ёйиб келётганлардан бири Ўзбекистон Бадий академияси ҳақиқий аъзоси самарқандлик Шариф Азимовдир. У кишининг кўлларида жило тошган кўзалар, хумлар, гулдонлар, шамдонлар, бадий асарлар сиймолари сиймолари, қўйинки, рўзгор буюмлари АҚШ, Англия, Германия, Россия, Қозоннинг сингари қатор мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намоиш этилган.

Яқинда Ўзбекистон Бадий академияси, Самарқанд вилояти ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимликлари та-

шаббуси билан шаҳар «Хунарман» марказида моҳир кулол Шариф Азимовнинг ижодий асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

— Кўргазмада намоиш этилган асарлар муаллиф тасаввури фоят бойлиги, услуби бетакрорлигидан дарак беради. Айни маҳалда бу асарлар кулолчиликда Самарқанд мактаби анъаналари бардавомлигини таъминлаётгани билан қимматлидир, — дейди Республика «Хунарман» уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Ақобир Ҳакимов.

**Ўқтам ҚУРБОНОВ, «Mahalla» муҳбири.**

Инновация — тараққиёт омили

# ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР — ҲАЁТГА

< [1]

Этиборлиси, бу борадаги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Айниқса, уларнинг мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаларида ҳам фаол қатнашаётгани кўзга ташланади.

Масалан, Фанлар Академиясининг Математика ва информатсион технологиялар институти томонидан ишлаб чиқилган «Интерфаол масофавий ўқитишга оид электрон қўлланмаларни бошқариш дастури» маърузаларнинг электрон тезисларини бошқариш масалаларига қаратилган. Ундан электрон қўлланмаларни ярато олмайдиган кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Чунки дастурда электрон қўлланмани яратиш учун зарур бўлган барча элементлар мавжуд.

Айниқса, бу борада Тошкент ахборот технологиялари университетининг ахборот технологиялари бўйича мультимедиа интерактив дастурий мажмуаси лойиҳаси диққатга сазовордир. Чунки мажмуа замонавий мультимедиа технологиялари асосида яратилган бўлиб, ҳар бир фойдаланувчининг индивидуал равишда ахборот технологиялари бўйича билим ва кўникмалар олишига хизмат қилади. У таълим тизими ва бошқа соҳаларда қўланилиши мумкин.

Яратилган дастурий мажмуа республикада кадрлар тайёрлаш дастурига амалга оширишда кенг қўлланилади. Дастурнинг имкониятлари шундан иборатки, у турли тоифадаги фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, материаллар матн, график, аудио ва видео кўришида тақдим этилади. Қулай томони эса, матнли маълумотларни эслаб қолишга қийналадиган кишилар расм ва видео орқали билим олишлари мумкин.

Радиотехника, электроника ва алоқа илимий-техника жамяти томонидан тавсия этилган масофадан ўқитиш ва малакани ошириш тизими лойиҳаси ҳам алоқа соҳасида ходимларни масофадан ўқитиш ва малакани ошириш, ўқув материалларни тақдим этиш имконини беради. Лойиҳанинг мақсади жорий ва яқиний тестлар даражасини бир вақтнинг ўзида текшириш билан республика ҳудудларида масофадан ўқитишни ташкил этиш, ўқитилган мутахассислар сонининг ҳисобга олинишини автоматлаштириш, топширилган имтиҳонлар бўйича ахборотни қайта ишлашдан иборатдир.

Тизим серверли интернет технологияларини қўллашга асосланган. Бу фойдаланувчиларга ишдан, ўқишдан узилмаган ҳолда масофадан ўқиш, олинган билимларни текшириш учун босқичли тест синовларидан ўтиш имконини беради.

Маълумки, кейинги йилларда ҳаётимизда кимё соҳасида яратилган кашфиётларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Чунки биз ишлаётган пластмасса жиҳозлардан тортиб кийим-

ларигача кимё олимларининг сайё-ҳаракати билан яратилган. Ҳатто биз севиб тановул қилаётган ҳўл меваларнинг пиши етулунига қадар ҳам кимёвий ўғитлар ишлатилади. Шу сабабли ривожланган давлатларнинг аксарияти кимё саноати ривожланишига катта эътибор қаратмоқда. Бунга яхши тушунган Наманган давлат университети илмий ходимлари касб-ҳунар коллежларининг кимё фани учун электрон дарслик, электрон кутубхона, виртуал лаборатория ва маълумотлар базаси лойиҳасини ишлаб чиқди. База кимё фанини ўқитишда компьютер технологияларининг қўлланилишини, ўрганилаётган объектларнинг динамикасини, интерактивлигини, микроскопик ҳодисаларни визуаллаштиришни, ахборотнинг тез ва кенг тармоқлиб боришини таъминлайди. Бундай вазиятда талаба ва ўқувчилар моддаларни ўрганишга чўқур кириб борадилар. Мазкур лойиҳа касб-ҳунар коллежларининг кимё фани учун электрон дарслик, электрон кутубхона, виртуал лаборатория ва маълумотлар базасидан иборат комплекс электрон ўқув тизimini яратиш ва қўллаш имконини беради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бугунги тезкор замонда баъзи кишилар дўконлардан китоб сотиб олишга деярли вақт ажрата олмайдилар. Шу сабабли ҳозир электрон кутубхоналар базаси яратилгани, энди фуқароларимизнинг дўконма-дўкон китоб ахтариб юришларига ҳоҳат қолмайди. Агар уларнинг компьютерлари интернетга уланган бўлса, хоҳлаган китобларни ҳақиқий маълумотни ёки унинг электрон вариантини олишлари мумкин. Бу усул бошқа давлатларда ҳам кенг тарқалгани бежиз эмас. Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан тақдим этилган ахборотлаштирилган кутубхона ахборот тизими лойиҳасида ҳам юқоридаги кулайликлар мўжасам. Тизим ХМЛ технологиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган. Мазкур тизим анъанавий кутубхоналарда, ахборот ресурсларида, олий ўқув юрталарда қўлланиши мумкин. Тизим клиент-сервер технологияси асосида ишлаб чиқилган. Тизимда библиографик маълумотларни сақлашнинг ХМЛ технологиясидан унумли фойдаланилган.

Тизим маҳаллий ва глобал тармоқда ишлашга мўлжалланган. Глобал тармоқда кутубхоналараро маълумотлар алмашилади. Мазкур тизим импорт ўрини қошлайди. Чет элда яратилган муқоималарга қараганда арзонроқ. Тизим харид қилинган сўнг бир йил хизмат кўрсатиши кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, ахборот технологиялари борасида инновацион лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш замонавий ўқув жараёнларини самарали ташкил қилиш, таълим жараёнига илғор иш усулларини кенг жорий этиш, уни сифат кўрсаткичлари бўйича жаҳон мезонлари даражасига кўтариш имконини беради. Бу волега етиб келаётган ёшларимизнинг барча соҳаларда етук билим ва касб эгаси бўлишларини таъминлайди.

**Ў.ҲУДОЙҚУЛОВ**

## ЭЗГУ ҒОЯ ТАРҒИБОТИ

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Қорахитой қишлоқ фуқаролар йиғини "Чашма" оромгоҳида «Маҳалла куни» тадбири ўтказилди. Унда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими бошқаруви мутасаддилари, туман ҳокимлиги, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фахрийлар, нуруний отахону онахонлар иштирок этишди.

Тантана муносабати билан байрам дастурхонини ёзилиб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 3 нафарига жамғарманинг республика бошқаруви томонидан бир боддан қорамол ҳада қилинди. Шунингдек, жамғарманинг туман бўлими бошқаруви томонидан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этган маҳалла оқсоқоллари рағбатлантирилди.

**Сабоҳат ЭШБОЕОВА**

## ЯНГИ СПОРТ МАЙДОНЧАСИ

Марғилон шаҳридаги «Гўрвалл» маҳалласида ўқувчи-ёшларнинг ёзи таътидан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ҳамда фуқаролар йиғини фаоллари ташаббуси билан янги спорт майдончаси ташкил этилди.

Спорт майдончасида болаларнинг спорт машғулотларига қатнашиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Эътиборлиси, ушбу спорт ўйингоҳида мактабларари, маҳаллалару мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган. Кунга кеча шаҳар ўқувчилар ижодий тармаки вакиллари билан маҳалла ёшлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди.

**М.МАҲМУДОВ.**

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

# БУГУНИ ОБОД, КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ЮРТ

## МОМОНИНГ ДЕГАНЛАРИ...

«Отам раҳматли бир парча ерни орзу қила-қила оламдан армон билан ўтиб кетди. Уйимиздан икки чақирим нарида тошлоқ, қаровсиз ер бор эди. Отам экин-тикин қиламан, деб ўзи ҳам тинмасди, бизни ҳам тиндирмасди. Кечалари ҳолдан тойиб келарди. Ернинг сал суроби келганда эга чиқди. Шўрлик отам бир сўз айтмади. «Меники» деганмади. Мум тилшди. Аламини ичга ютди. Бир кунда соҳлари оқарди, бели букчайди. «Мен-ку кун кўролмадим, болаларим зорикмасин, уларга оз бўлса ҳам мулк қолсин дедим». Ерга муқ тушган отамнинг екаси силкиб-силкиниб тушарди. У йиғлаётган эди...»

Момом бу аччиқ хотираларини жуда кўп такрорлаганлар. Ҳар гал эслаганларида кўзларини юмиб олар, йиғлаётганларини меңдан яширишга ҳаракат қилиб, узоқ вақт жим бўлиб қолар, ўзларини тугиб олгач, яна давом этардилар.

«...Яхши замонлар ҳам келар экан. Худога шукр, ота-бувалари етолмаган ниятларга неваралар-чевараларимиз эришяпти. Хоҳлаган одам ерни, томорқали бўлди. Ҳукуматимиз ишлайман, деганга шароит яратиб берапти. Анови Зулпин, Ойрушанларнинг болалари фермер. Ҳозир уларни бор қўрсанг. Ҳар бирининг машинаси бор. Данғиллама уйларини айтмайсизми? Ҳовлисининг ўртасида ҳовузиям бор. Ичкима-ички уйлар, етти пушуга етади. Бурноғи йил Ойрушани ўғли машинасига миндириб, Топшанга обориб келди. Фермер дегани бой дегани-да, а? Йилгари: бир тановор ер бор одам ҳам катта бой ҳисобланарди. Тоғаннинг ўғли қирдан ер очиб, фермер бўлмақчи. Маҳалламиз оқсоқолига маслаҳат солган экан, «Ўзи деҳқончиликдан хабаринг борми, элай олсанми?», дебди. Ота-буваси деҳқон ўтган, ахир. Нимага элмас экан? Шунга гаплашиб бер, болам. Бизарданан битта бой чиқсин!...»

О, менинг безоригина, содагина момом. Элимизнинг бойлари кўпаяётгани одамларнинг яхши яшашга интилиши, ишончли ортаётганини рост бўлсин. Ахир, одамлари тўқ, бақувват юртнинггина бугуни обод, келажаги ёрув бўлади. Сиз алқайдиган Юртнингизнинг ниятлари ҳам элни бой-бадавлат қилиш.

— Буванг раҳматли бир умр далада ишлади. Неча йиллар бригад ҳам бўлди, — дея гапини давом эттиради момом. — Аммо бири икки бўлгани йўқ. Шунча ишлаб, шўрлик уйга бир кафт бугдой олиб келолмаган. Жуда оғир замонлар эди-да. Мана энди, фермерман деганини уйи йилга тўла. Бахтиёр борку, Маматқул буванинг фермер ўғли, шу уйига 2 тележака қала тўқибди. Етишмовчилиги бор оилаларга бир-икки қопдан берибди ҳам. Ҳозир меҳнатни қил-да, планин бажариб, қолганини ўзинга олавер. Биров бир нима дегмайди. Шундай эркинлик, тўқлик замонларнинг садаваси кетсанг арзийди.

ишлади. Чорвачиликни ривожлантириш, насадор молларни кўпайтириш учун бор ҳаракатни қилди. Соғин сигирларнинг ҳар бири кунига 7-8 литрдан сут беради.

— Германияда сутни қайта ишлайдиган цех бор экан. Шундан олиб келмоқчиман, — дейди Муртазо бува.

Муртазо бува бизга хайр-саховат ишларини айтмади. Мақтанишни ор билди. Қишлоқдошлари мамунити билан сўзлаб беришди. Муртазо бува қишлоқдаги болалар боғчасини бепул сут маҳсулотлари билан таъминлаб тураркан. Беморлар, кам таъминланган оилаларга ҳам сутни бепул беришар экан. Фермер буванинг 50 гектар ери бўлиб, 26 гектарига қала, 20 гектарига пахта, қолганига эса беда эккан. Бу йил қала мўл бўлди. Давлатта дон сотиш режаси 112 фоизга ўзгарибди. Ортгани ишчиларга, эҳтиёжмандларга бўлиб берилди.

## ҚАДАМ, ҚАДАРИ БАЛАНД ЎЗБЕГИМ

Муқдорлик туйғуси одамни ўзгартириб юбораркан. Фермерман деганини бугун уйдан тополмайсиз. Югур-югурдан бўшамайди.

— Не кунларни кўрмадим. 30 йил қоратерга ботиб ишлаганим учун товон тўладим. «Пахта иши» бўйича ўтириб чиқдим. Асдиқа хоҳозга 5 йил раислик қилиб ҳам ота уйим — пахсадан қурилган қордвор ҳовлим янги бўлмаган, машина тугул битта велосипед олиб минмаган эдим. Минг шукр, миллатимнинг қадди тик бўладиган кунларга ҳам етиб келар эканми. Шундай ҳаловат, ғурур, эркинлик берган мустиқилликка минг шукр.

Қашқадарёнинг Яққабоб туманида яшовчи Муртазо бува Абдурахимов бугун таниқли фермер. Бели бақувват. Элнинг тўю маъракалари Муртазо бувасиз ўтмайди. Сал етишмайдиган оила бўлса, ота-хон бир томонини кўтариб юборарди.

— Қишлоқ аҳолиси учун яратилаётган шароитни қаранг. Худди шаҳардагидек қулай имкониятга эга уй-жойлар қуриб бериляптики, кўрса кўрулик. Уй-жой қураман, деб ҳам оворга бўлмайсиз. Тайёр уйга кўчиб кирайсиз. Пулини ҳам банк тўлайди.

Ҳайбулло дўстин ўғиллари билан посёлкада қурилган ана шундай янги уйлардан бирига кўчиб ўтибди. «Жоннинг роҳати, совуқ сув, иссиқ сув, ванна, душ, оғилхонаси, таңдиригача бор. Қаранганди ҳузур қиладиган бўлдим», деб дуо қилгани қилган.

Дўстининг кистови билан мен ҳам янги қурилатган намунавий уйлардан бирига олиш учун дастлабки тўловни тўлаб қўйдим.

Муртазо бува кўларга йўл кўрсатди. Ўзи ҳам роҳатланиб

Избоскан тумани Турдали Мамажонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида янги маҳалла гузари қад ростлади.

Замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилган гузарда савдо дўкони, тикувчилик цехи, сартарошхона, гўзаллик салони, қассобхона, новвойхона, элик ўринли ошхона, компьютер хизмати кўрсатиш каби шохобчалар мавजूд.

Шухрат Олимов (ЎЗА) олган суратлар.

Избоскан тумани Турдали Мамажонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида янги маҳалла гузари қад ростлади.

Замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилган гузарда савдо дўкони, тикувчилик цехи, сартарошхона, гўзаллик салони, қассобхона, новвойхона, элик ўринли ошхона, компьютер хизмати кўрсатиш каби шохобчалар мавजूд.

Избоскан тумани Турдали Мамажонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида янги маҳалла гузари қад ростлади.

Замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилган гузарда савдо дўкони, тикувчилик цехи, сартарошхона, гўзаллик салони, қассобхона, новвойхона, элик ўринли ошхона, компьютер хизмати кўрсатиш каби шохобчалар мавजूд.

Савобар БОЙМУРОДОВА, «Mahalla» мухбири.

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ БАРЧАСИ КЕНГАШ ЭЪТИБОРИДА

Жорий йилнинг Баркамол авлод йили, деб эълон қилингани замирида катта хайрли мақсадлар мужассам. Зотан, баркамол авлод вояга етган юрт, шаксиз, қудратли бўлади. Бу борада Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил амалга оширишда маҳаллаларнинг фаол иштироки алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, Қувасой шахридаги маҳаллаларда ёшларнинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши, турли оқимлар таъсирига берилмаслиги йўлида ибратли ишлар олиб борилаётир. Айниқса, фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати кенгаши ташкил этилгани ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан бирга, худудда соғлом муҳитни шакллантиришда кўл келмоқда. Хусусан, шаҳардаги Ҳамид Олимжон номидаги маҳалла фуқаролар йиғини қошида тузилган жамоатчилик назорати кенгашига йиғин раиси Шойржон Турғу-

новнинг ўзи бошчилик қилади. Кенгаш таркибига маҳалланинг обрў-эътиборли, зиёли кишилари жалб этилган. Жорий йилда кенгаш аъзоларининг ташаббуси билан маҳалла худудида ҳаётлар уюштирилиб, катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўчаларнинг янгилаштириш ишлари амалга оширилди. Фуқаролар йиғинига қарашли 18 та кўп қаватли уйлар орамидида болалар учун спорт майдончаси, маҳалла аҳолининг кўнгилли дам оlishлари учун шинамгина маскан барпо этилди.

Шу билан бирга ёш авлоднинг жисмонан бақувват, инсонлар бўлиб

вояга етишишлари борасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Маҳаллада футбол, кураш, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани, унинг шаҳар бошқичида ҳам маҳалла ёшлари пешқадамликни кўлдан бермаётгани қувонарли ҳолдир. Шаҳар марказидаги ўндан ортиқ турли спорт тўрақларида маҳалланинг 16 ёшгача бўлган 85 нафардан зиёд болалари бепул шуғулланишмоқда. Кенгаш аъзолари оилаларнинг тинч-тотувлигини таъминлаш, отабоболардан мерос бўлиб келатган удув ва қадриятларга ҳурмат билан қараш, шаҳарда яшоб ўтган машҳур, эл таниган инсонларнинг хотирасини абадийлаштириш борасида ҳам қатор хайрли ишлар изчил давом эттирилмақда.

— Яқинда қўшни Қирғизистоннинг

жанубий вилоятларида юз берган кўнгилсиз воқеалар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмади, — дейди Шойржон Турғунов. — Бўлиб ўтган фожиалардан барчамиз юртимиздаги тинчлик ва оқоилчиликнинг энг буюк неъмат эканлигини яна бир бор ҳис этдик. Ана шу неъматнинг қадрига етиб, мамлакатимиз равнақи, оқоилчилиги йўлида ҳар қанча меҳнат қилсанг арзийди.

Жамоатчилик назорати кенгаши аъзолари маҳалладаги 2 та мактабгача таълим муассасаси, 6 та озиқ-овқат дўкони, 4 та қассобхона ва бошқа кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолиятини доимий назорат қилиб келишмоқда. Аниқланган камчиликлар ўз жойида бартараф қилиниб, аҳоли ҳақ-ҳуқуқлари муносиб ҳимоя қилиняпти.

Азамат МАҲМУДОВ, «Mahalla» мухбири.

Комиссиялар фаолиятдан

# ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИМКОН ЯРАТИБ

Бугун юртимизда тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни йўлга қўйиб, ўз оиласи даромадини ошириш билан бирга, аҳолини доимий иш билан таъминлаётган фуқароларимиз талайгина. Жумладан, кейинги йилларда фуқаролар йиғини худудида ҳам ана шундай ишбилармон кишилар сафи кенгаётгани маҳалла ва қишлоқларимизнинг янада чирой очилишига, аҳолининг фаровон ҳаёт кечирishiга хизмат қилмоқда.

Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурда Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссияси ташкил этилгани чекка ҳудудларда ҳам яқка тартибдаги тадбиркорлар сонининг кўпайishiга туртки бераётир. Хусусан, пойтахтимизнинг Уч-тепа туманидаги «Уриқзор» маҳалласи фуқаролар йиғинида мазкур комиссия фаолиятининг яхши йўлга қўйilгани натижа-сида маҳалла ободончилигига ҳоимийлик ёрдами билан кўмак берадиган тадбиркорлар сонини ортиб бормоқда.

— Маҳалламиз юртимиз истиқлолига тенгдош, — дейди «Уриқзор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Раъно Турсуноҳжоева. — Дастлабки йилларда маҳалла кўчалари ўйим-чучур, кўримсиз бир ҳолатда эди. Фуқаролар йиғини идорасида ҳам шарт-шароитлар кўнгилдагидек эмасди. Бу ҳолатни, аввало, аҳолининг ҳам-жихатчилиги, қолаверса, саховатли тадбиркорларимизнинг беминнат кўмаги билан бартараф этидик. Йўларимиз асфальт қилинди, ҳатто айрим кўчаларга мевал дарахлар эканди. Ҳозир худудимизга ташриф бу-юрганлар маҳалланинг файзли эканини таъкидлашмоқда. Шу боис, тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратганмиз. Маҳаллада ишбилармонлар кўпчилигининг яна бир яхши томони шундаки, улар бандлик даражасини оширишда маҳаллага яқиндан ёрдам берадилар. Бекорчилик бўлмаган жойда эса, жинсийчилик ва ҳар хил кўнгилсизликлар содир этилмайди. Айни кунларда оилада бўш ўтирган аёлларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, уларга ҳунар ўргатишга катта эътибор қаратяптимиз. Шу боис айрим хонадонларда «Устоз-шогирд» аънавалари асосида миллий кийим тикиш, кўрпа-тўшак қавиш бўйича ҳунар ўргатиш ишларини йўлга қўйганмиз.

Бугунги кунда 7 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қиладиган «Уриқзор» маҳалласида «Қалдироч — 92», «Саховат фой», «Момоч», «Рамзия савдо сервис» каби 8 та ташкилот ва муассасалар бор. Қувончлики, уларда, асосан, шу маҳаллада истиқомат қилувчилар меҳнат қилишади. Бундан ташқари, «Карвон» бозорининг худудга яқинлиги ва айрим савдо дўконлари маҳалланинг ўзида жойлашгани аҳолига қулайлик яратмоқда. Тадбир-

корлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш комиссиясига бошчилик қилаётган маҳалла раиси Раъно Турсуноҳжоева эса ишлагани хоҳловчи инсонларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

— Тикувчилик орақасидан хонадонимга борака кирди, — дейди маҳалла фуқароси Феруза Йўлдошева. — Дастлаб маҳаллага кўчиб келганимизда оиламизнинг моддий ҳолати ноқор эди. Турмуш ўртовим ва мен қўшимча даромад топишга интилардик, аммо ҳеч имконини қилолмадик. Ёшлигимда онамдан тўн тикишни ўрганганман. Раъно опанинг маслаҳати билан аввал тўй болалар учун тўн тиккан бўлсам, ҳозир кўрпа, тўшак, ёстиқ, бешик учун тўшамалар каби 30 дан ортиқ тадбиркорлик ишларини сотува чиқарганман. Бир-неча йиллик ҳаракатларимиз натижа-сида оилавий даромадимиз ошди, янги уй-жой қурадик. Ҳозир қўл остида 8 нафар хотин-қиз «Устоз-шогирд» аънавалари асосида ҳунар ўргатишмоқда. Фаолиятимизнинг ривожланиши ҳам ёмон эмас. Ишларимиз ҳатто хоризга ҳам чиқарилаётир.

Маҳаллада комиссия томонидан мактаб ва касб-ҳунар коллежаларини битирган ёшларни эканини таъкидлашмоқда. Шу боис, тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратганмиз. Маҳаллада ишбилармонлар кўпчилигининг яна бир яхши томони шундаки, улар бандлик даражасини оширишда маҳаллага яқиндан ёрдам берадилар. Бекорчилик бўлмаган жойда эса, жинсийчилик ва ҳар хил кўнгилсизликлар содир этилмайди. Айни кунларда оилада бўш ўтирган аёлларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, уларга ҳунар ўргатишга катта эътибор қаратяптимиз. Шу боис айрим хонадонларда «Устоз-шогирд» аънавалари асосида миллий кийим тикиш, кўрпа-тўшак қавиш бўйича ҳунар ўргатиш ишларини йўлга қўйганмиз.

Бугунги кунда 7 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қиладиган «Уриқзор» маҳалласида «Қалдироч — 92», «Саховат фой», «Момоч», «Рамзия савдо сервис» каби 8 та ташкилот ва муассасалар бор. Қувончлики, уларда, асосан, шу маҳаллада истиқомат қилувчилар меҳнат қилишади. Бундан ташқари, «Карвон» бозорининг худудга яқинлиги ва айрим савдо дўконлари маҳалланинг ўзида жойлашгани аҳолига қулайлик яратмоқда. Тадбир-

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ, «Mahalla» мухбири.



СУРАТЛАРДА: Избоскан тумани Турдали Мамажонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида қад ростлаган янги маҳалла гузари кўриниши. Маҳалла гузари дўкон сотувчиси Зухриддин Маҳаммаджонов аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондирмоқда.

## Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

# КОРХОНА ҚОШИДА — МИНИ ЗАВОД

Ғиждувон туманидаги Чармгарон мавзесида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш ишлари билан шуғулланаётган «Ғиждувонтехстройпрогрессплюс» ҳусусий корхонаси фаолият доирасини кенгайтирди: замонавий технология билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш кичик заводини ишга туширди.

Кунига бир тоннагача сут қайта ишланаётган мазкур корхонада йил охирига қадар бу кўрсаткич икки баравар ортади. Айни пайтда бу ерда йогурт, қаймоқ, қатиқ каби маҳсулотлар бежирим идишларга қадоқланган ҳолда савдога чиқариламоқда.

— Сутни худудимиздаги чорвачиликка ихтисослашган «Ғиждувон Зариф чорвадори» фермер хўжалиги етказиб бермоқда, — дейди «Ғиждувонтехстройпрогрессплюс» корхонаси раҳбари Нуралӣ Бафоев. — Бу маҳсулот таннархини бирмунча арзонлаштириш имконини бермоқда.

Мини заводда маҳсулот турларини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда музқаймоқ цехини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Э. ЁҒОРОВ, ЎЗА мухбири.

Ғиждувон туманидаги Чармгарон мавзесида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш ишлари билан шуғулланаётган «Ғиждувонтехстройпрогрессплюс» ҳусусий корхонаси фаолият доирасини кенгайтирди: замонавий технология билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш кичик заводини ишга туширди.

Кунига бир тоннагача сут қайта ишланаётган мазкур корхонада йил охирига қадар бу кўрсаткич икки баравар ортади. Айни пайтда бу ерда йогурт, қаймоқ, қатиқ каби маҳсулотлар бежирим идишларга қадоқланган ҳолда савдога чиқариламоқда.

— Сутни худудимиздаги чорвачиликка ихтисослашган «Ғиждувон Зариф чорвадори» фермер хўжалиги етказиб бермоқда, — дейди «Ғиждувонтехстройпрогрессплюс» корхонаси раҳбари Нуралӣ Бафоев. — Бу маҳсулот таннархини бирмунча арзонлаштириш имконини бермоқда.

Мини заводда маҳсулот турларини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда музқаймоқ цехини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Э. ЁҒОРОВ, ЎЗА мухбири.

# Маҳалла — оилавий бизнес маркази

# РЎЗҒОР БУТ, ДАСТУРХОН ТЎКИС

Наманган туманидаги Хўжақишлоқ маҳалласида ибратли оилалар кўп. Улардан бири Бойбува хонадонини. Бойбува узоқ йиллар турли соҳаларда ишлаб, эндиликда кексалик гаштини сурмоқда.

Уч нафар ўғлининг иккитаси янги уй-жой қилиб чиқиб кетган. Ҳар бирида уч-тўрттадан фарзанд, тўнчи хатто қудалик ҳам бўлди. Кенжаси эса оиласи билан ота-она хизматида. Хўш, бу хонадоннинг ибратли томони нимада?... Ўғиллари оддий ҳайдовчи касбинини эгаллашган: шахсий микроавтобусида аҳолига пуллик хизмат кўрсатади. Маҳалланинг турли жойларида яшайдиган ўғиллари ҳар кун кечга яқин турмуш ўртоқлари-ю, фарзандларини етаклаб, катта уйга тўпланишади. Қозон битта, дастурхон битта. Топшанларини ўртага ташлашади. Шу ҳолатинг ўзи ибратга лойиқ эмасми? Бир хонадонда яшоб, қозони бошқа бўлган оилалар йўқ дейсизми? Уч ўғилу келинларнинг даромади (набираларнинг ҳам ода топармон бўлиб қолди) отанинг пенсияси қўшилиб, бир сандиққа жойланади. Кечки овқатдан сўнг эртанги ишлар режалаштирилиб, хара-

жатнинг ҳисоби чиқарилади. Ана шу аҳдлик боисми ёки Бойбуванинг оилавий кирим-чиқим тепасида қаттиқ туриши сабабми, хуллас, ўғилларнинг ҳар бирида биттадан машина, ҳовлисига қўша-қўша сиғир-бузоқлар бор. Яна бир ибратли томони, оила соҳибни ўта камтар. Бу ҳислат, табиийки, фарзандларига ҳам ўтган. Мана, камтарлигига яна бир исбот: қороз-қаламини шайлаб, мақола тайёрламоқ ниятида хонадонига боргандим, Бойбува эътибор учун миннатдорлигини билдириб, оиласи хусусида қороз қораламаслигини илтмос қилди. Нега?... Сабоби оддий: оила соҳибни мақтанишни ёқтирмаган экан. Қойил. Аммо, барибир, ҳавас устун келди: ушбу мақолаимиз дебачасига исми-шарифини айтмас ҳам, ёзиб кетишимиз маъқул топдим. Ҳозир гап қайси оила ҳақида кетаяётганини хўжақишлоқликлар сезиб, билиб турибди...

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруvidан оилавий бизнесни яхши йўлга қўйган ёки томорқасидан унумли фойдаланиб, катта даромад топаётган фуқаролар ҳақида кўплаб маълумот олиш мумкин. Ҳар бир туман, маҳалла миқёсида улар умумлаштирилиб, оммалаштириб бориламоқда.

— Мақсадимиз, улардан маҳалладаги бошқа оилалар ҳам ибрат олса, яхши томонларини ўрганиб, даромадини ошириш чораларини кўрса, — дейди жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси Олимжон Нуриддинов. — Шу боис, йилнинг ўтган олти ойи давомида ҳар бир туманда ўнлаб семинарлар ўтказдик. Маҳаллий матбуотда, йиғинлардаги турли учрашув-мулоқотларда қайта ва қайта шу мавзуга тўхталяптимиз. Эътиборли томони, одамларимизнинг бу борадаги дунёқарашини ҳам тобора ўзгартириб, боқимандамик кайфияти йўқолиб бормоқда.

Тўрақўрғон туманидаги «Дираб-бо СДА» ҳусусий корхонаси бугун нафақат туманда, балки вилоятда ҳам номдор. Бу ерда тайёрланаётган бежирим кийим-кечақлар харидорлигини билан ажралиб тура-

ди. Ҳаттоки экспортга ҳам чиқариламоқда. Ана шу корхонанинг раҳбари — Маъсуда опа Содиқова ҳам бу ютуқларнинг барчаси оилавий бизнес шарофатидан эканлигини кўп тақдирлайди. Чунки турмуш ўртоғи доимо ёнида. Набираси Феруза эса асосий иш юритиш масъулиятини зиммасига олган. Хуллас, корхона оилавий бизнеснинг маҳсули, десак муболаға бўлмайди.

Косонсойнинг «Бўстон» маҳалласида яшовчи Баҳодир Усмонов эса ўз хонадонига 300 бошдан ортиқ парранда боқяпти. Ҳар кун 120-130 тагача тухум олади. Уйда бўлиб қолган одам борки, товуқлар атрофида парвона. Ахир шунинг орқасидан кунига 20-25 минг сўм даромад бор. Бу — бир ойда 700 — 750 минг дегани...

— Яхши яшаш учун яхши ишлаш керак-да, — дейди хонадон соҳибини. — Рўзгор бут, дастурхон тўқин бўлиши учун оилага кириб келатган даромад чиқимдан ортиқчи лозим. Ҳозир изланса, яхши яшаш учун ҳам, яхши даромад кўриш учун ҳам имкон бор.

Учқўрғон тумани Қайқи қишлоқ-

ғидаги «Норин» маҳалласида яшовчи Садриддин гулчини кўпчилик яхши танийди. Айниқса, гул ишқибозлари. Ун сотишга ҳовлига кирсангиз, атроф турли-туман гулларга тўла. Ерда ҳам, тўвақда ҳам, ҳатто 3 сотихли мўъжаз иссиқхонада ҳам гул.

— Қарийб 30 йилдирки гулчилик билан шуғулланаман, — дейди Садриддин Асқаров. — Ўғилларим, келинларим, турмуш ўртоғим Турсуноӣ — ҳаммаси гул ишқибозлари, менинг ёрдамчиларим. Парвариллаш, гул кўчати ўтқазини, гулни тўвақларга олиш, қўйинг-чи, барча ишлар оила аъзоларимиз томонидан амалга оширилади.

Хонадон соҳибни айтишга истиқола қилади: гулчилик орақасидан оила кам бўлгани йўқ. Энг аввало, ишқибозлик, қолаверса, даромад ҳам ёмон эмас. Яна бир томони, оилада кимнинг қўлидан иш келса, ёрдамлашиб, умумий ҳаёмага ҳисса қўйяпти. Бу, ўз навбатида, аҳдлик, бирдамликни янада муштақкамлади. Зеро, рўзгор бут бўлган жойдан борака ва оқоилчилик аримайди.

Жамшид Бек, «Mahalla» мухбири.

“Энг улуг, энг азиз” танловига

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Ўзбекистон – Аллоҳ назари тушган юрт, улкан имкониятлар мамлакати. Ўзбекистон – барчамиз учун она-Ватан, саҳдадоҳ каби муқаддас диёр. Ўзбекистон – бойликлари бисёр, келажаги буюк давлат.

Неча асрлардан буён авлоддан авлодга ўтиб келатган миллий қадриятлар, урф-одатларимиз, неча минг йиллардан садо берувчи бой тарих, улуг аждодларимиз закоси ила жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган илмий салоҳият, бутун дунёда олтин бешик, дея таърифланган ўлмас маданият – ҳалқимизнинг бебаҳо маънавий бойликлари.

Ғалла, пахта ва ипак, чорва ва паррада, мева-сабзавот, полиз, нефть ва газ, қора ва ранги металл, қўйинги, ҳудо берган табиий ресурслар, фойдалани қазилмалар, пуриқор тоғлару бепоён қир-адирлар, ҳайвоноту наботот олами тупроғи тилаго тенг юртининг моддий бойликлари.

Лекин Ўзбекистоннинг яна бир улуг бойлиги бор. Бу – мамлакатдаги тинчлик-осойишталик. Бу – ҳалқнинг кўнглидаги ҳаловат, обод маҳаллаларимиздаги хотиржамликдир.

Эртанги кун, фарзандлари иқболидан кўнгли тўқ эл улуг тантанасига – мустақилликнинг 19 йиллик тўйига катта ҳозирлик кўраётир. Тинчлик барқарор бўлган жойга байрам шодоналар ярашади. Осура юртининг ҳар бир фасли, ҳар бир кун тароватли бўлади. Тотувлик, аҳиллик, яқдиллик бор жойга бало-қазо доримайди.

Шу ҳақда сўз юритганда, давлатимиз раҳбарининг кўидаги фикрларини алоҳида таъкидлаш жоиз: “Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири бу – тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришидир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятнинг демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам шу билан белгиланади”.

Бу шунчаки даъват, фалсафий жиҳатдан асосланган мулоҳаза эмас. Балки Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳаётимизда ўз ифодасини топиб келатган амалий ишларнинг шировада натижасидир.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти ва дунёдаги обрў-этибори, аввало, шу юрда қарор топган тинчлик-осойишта-

ликка, шу ерда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг тотувлигига боғлиқ.

Тинчлик – фаровонлик йўлоши. Осоийшта юрда юксалиш бўлади. Фаровон эли хотиржамлик тарк этмайди. Тинчлик ҳукм сурган мамлакатгина тараққиётга интилади.

Омборларимиз ғаллага тўлиқ – беминнат номимизга эгамиз. Табиат инжиқликларига қарамай, миришқорларимизнинг пешона тери, фермерлик ҳаракатининг амада ривожланиши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратилгани эвазига ҳар йили пахтадан юксак хирмон кўтарилмоқда. Ўзимиздан ортган мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспорт қилаётганимиз ҳам тўкинлик ифодасидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунёдаги йирик корпорация ва компаниялар касога учраб, минглаб иш ўринларини қисқартирган бир пайтда, Ўзбекистондаги ислохотларнинг самарадорлиги сабаб, янги-янги иш ўринлари очилмоқда, замонавий саноат қорхоналари ишга тушириломоқда.

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар ой ва ҳар йил мамлакатимиз тараққиётда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида оқдин бошлаган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодий таъминнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, ҳалқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллаган давр сифатида мустақиллик солномасидан жой олмиш шубҳасиз.

Озод юртининг обод уйлари. Бу ибора ёшу қари, ўқитувчию шифокор, фермеру тадбиркор, қўйинги, ҳар бир хурфирқ ҳамюртимизнинг ўзига хос шиорига айланади, десак муболага бўлмайди. Ҳалқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик борасидаги салоҳиятини намоен этишда янги имкониятлар эшиги очилди. Қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, намунавий лойиҳалар асосида аҳолини ўй-қўй билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилатгани ҳам, ҳеч шубҳасиз, тинчлик-осойишталикнинг хосласидир.

Табиийки, шу кунларда барчамизнинг ўй-хаёлимиз, фикру зикримиз истиқлол шукухи, озодлик нашидаси билан чам-

барчас боғланиб, барчамиз оиламизга, элу юртимизга тинчлик-омонлик, яхшилик ва тўкинлик сўраб, эзгу ният қиламиз. Усиб келатган фарзандлар келажагини ўйлаб, бор куч-ғайрат ва имкониятларни ишга солиш, онамиз ва болаликни ҳимоя қилиш сингари ўта муҳим масалалар давлатимизнинг доимий этиборида турганидан миннатдорлик ҳис этамиз.

Ривожланишга юз тутган ҳалқ ва миллат фарзандларининг камолини ўйлайди, бу йўлда маблагин ҳам, меҳнатин ҳам аямайди. Чунки – бу буюк келажақ сармояс.

Эл-юртимизнинг энг катта таянчи ва суянчи бўлмиш ёшлар камоли учун таълим ва тарбияга қаратилган катта эътибор, бу борадаги изчил сийosat ҳозирданок ўз мевасини бераётганини кўриб, ҳар қайси ота-она, ҳар қайси инсон шукрона айтиши табиий.

Миллатимизнинг асл табиатиға хос меҳр-оқибат, аҳиллик, ўзаро ҳурмат, кўзланган марра сари азму шижоат билан интилиш сингари бебаҳо хислатларнинг жамиятимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, уларни ёш авлод онги ва қалбига синдириш эртанги кунни янада чароғон этишининг, эзгу мақсадларга эришишнинг муҳим мезонидир.

Аслида буларнинг барчаси – мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик миллатлараро тотувлик, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳукм сураётганидан.

Буларнинг ҳаммаси маънавий юксалиш, ҳалқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш, демократик муносабатлар ва эркин бозор принципларини жорий қилиш, одамларимизнинг дунёқарашини ва тафаккурида изланиш ва бунёдкорлик, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, ўз кучи, ақл-заковати, билим ва тажрибасига суяниб яшаш каби фазилатларнинг тобора кучайиб бораётганидандир.

Бугунги долзарб вазифалардан бири – энг буюк бойлик бўлмиш тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак – ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамга кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин”.

Озод РАҲАБОВ, журналист.

Маҳалла тизимида кимлар ишлайди?

# ОДАМЛАР ИШОНЧИДАГИ ОДАМ

Андижон шаҳридаги «Меҳнат» маҳалла фуқаролар йиғинида йилнинг ўтган даврида юздан ортиқ фуқаро доимий иш билан таъминланди. Бу эса йиғинда 2010 йилда аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш юзасидан белги-ланган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилаётганини кўрсатади.

— Маҳалламиз Андижон шаҳрининг аҳоли низоҳатида зич яшайдиган ҳудудда жойлашган, — дейди йиғин раиси Маҳмуджон Мамажонов. — 6404 нафар фуқаронинг ярмидан кўшини ёшлар ташкили элади. Йил бошда аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан белги-ланган тадбирлар ижроси назоратини тажрибали ходимамиз, масъул котиб Бахтиёрхон Қирғизбоева тошширган эди. У масъулиятни вазифани аъло даражада адо этаётир.

Ўтган ярим йил давомида бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди. Тадбиркор Низо-миддин Зулунов ташкил этган чеварчилик цехига ўн на-

фар қиз шогирдикка олиниб, ҳозирги кунда улар мустақил ишламоқда. Цехдаги ишчиларнинг умумий сонини эса элик нафарга етди.

Одинахон Дадабоевнинг ота-бобоси қандолатчилик билан шуғулланиб келган. У янги қураётган иморатининг биринчи қаватида қандолатчилик, иккинчи қаватида эса чеварчилик цехи очиб, йиғирмадан ортик ёшларни ишла қилди. Бахтиёрхон Одинахонга банкдан кредит олиш учун ҳужжатларини расмийлаштиришга ёрдам берди.

Маҳаллада ўтган йили «Ўз-Анталая» умумий овқатланиш мажмуаси ишга туширилган

эди. Бахтиёрхон ана шу корхона раҳбарлари билан суҳбатлашиб, бўшаб қолган ёки янги яратилган иш ўринларига маҳалланинг ўй бекаларини жалб қилиш таклифи билан чиқди. Фаоллардан Муҳаббатхон Йўлдошева, Мухаррамхон Абдурахмоновнинг шу масала билан астойдил шуғулланганликлари бонис, етти нафар аёл турли вазифаларга, тўрт нафари эса корхона қошидаги янги очилган чеварчилик цехига ишга қабул қилинди. Шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказининг ёрдами билан яна тўрт киши ишга бўлди.

— Йиғин раҳбарлари ва фаоллар ҳамкорлигида ишласалар жуда кўп хайри юмушларни амалга ошириш мумкин, — дейди Б.Қирғизбоева. — Масалан, тадбиркорликни ривожлантиришни олайлик. Биз тадбиркорларимизга тақдир беришдан аввал уларга қандай ёрдам кераклигини сура-

дик. Брига ер керак бўлса, бошқасига ускуналар сотиб олишга кредит зарур, яна бирига эса бекор ётган бинони олишга кўмак керак. Маҳалла оқсоқоли Маҳмуджон ака, фаолларимиздан Абдуғани Бой-бобоев, Абдуманноп Бадалбоев ва Тўлқинжон Ортиқовлар билан бирга ёрдам масалада уларга зарур ёрдам кўрсатдик.

Б.Қирғизбоева маҳалла фуқаролар йиғинида салкам 20 йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Дастлаб хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси бўлди, мана 10 йилки масъул котиб вази-фасини сўққидилдан бажариб келмоқда. У иноқ оиланинг сеvimли бекаси. Умр йўло-ши билан уч нафар фарзанд-ни тарбиялаб вояга етказди. Бугун эса маҳаллада ишлаб туриб, неваралар тарбияси билан ҳам шуғулланмоқда.

С. УЗОҚБОВ, «Mahalla» мухбири.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги олдимдан

## БАЙРАМОЛДИ САВДО ЯРМАРКАЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман марказларида аҳолини сархил мева ва узум, сабзавот, полиз, гўшт, суг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида байрамолди савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Нукус шаҳридаги 61-даха ва 21-кичик туманда, Жийдали-Бойсуи ва Таслақ маҳаллаларида ҳамда “Олтин тумор” бозори ҳудудидаги ярмаркалар харидорлар билан гавжум.

— Ярмаркада биз, шаҳарликлар, дастурхонига тортиқ қилинаётган ноз-неъматларни кўриб, кўз қувнайди, — дейди нукуслик Кумуш Турсунбоева. — Маҳсулотлар нархи арзон, сифати юқори. Бундай ярмаркаларни ўтказиш аънамага айланган кишини қувонтиради.

Байрам шодоналари бошлаётган шу кунларда савдо ярмаркаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини пешма-пеш етказиб беришда Қаниқул, Нукус, Хўжайли ва Чимбой туманлари фермерлари фаоллик кўрсатмоқда.

А. ОРТИҚБОВ, ЎЗА мухбири.



Маҳалланинг ширин новвоти

Фаолиятдаги фаолларимиз

# ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ, ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ ҲАР СОҲАДА АСҚАТМОҚДА

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Хитой қишлоқ фуқаролар йиғинидаги “Вардон” маҳалласи оқсоқоли Жаббор Рўзимуродов бундан етти йил аввал шу лавозимга сайланган эди. Ўтган вақт ичида унинг ташаббуси билан маҳаллада кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди.

Қиш ва ёз ойлари сув тақчиллигидан қишлоқ аҳли қийналарди. Ж.Рўзимуродов ва фаоллар ташаббуси, ҳомийларнинг амалий кўмаги билан Чошкул ер ости буғулдан Вардон қишлоғига қадар ер ости қувури ётқизиладди. Бу ишлар изчил давом эттирилиб, қишлоқ аҳлининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида 2200 метр узунликда қувур ётқизилди. Шу тариқа қишлоқда ичимлик суви билан таъминлаш чора-

тадбирлари тўла-тўқис амалга оширилди. Ўз навбатида, аҳоли кучи билан, ҳомийлар ва фермерлар ёрдамида Чошкул буғулдан 5 километр ер ости қувури ётқизиладди, зиёратгоҳ жойларга ҳам сув келтирилди. Турли мева ва манзарали дарахлар, гуллар ўтқазилди.

Яқинда 4 километрни Вардон — Нишотна йўли текисланди. Қишлоқ қабристонига қадар 500 метр узунликдаги йўл асфальтланди.

Қувонарлиси, ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг билим савиясини янада ошириб бориш мақсадида қишлоқ марказида кутубхона ташкил этилган. Айни пайтда 2700 та китобни жамлаган кутубхона ёшлар ихтиёрида. Бу зиё маскани газета, журнал, бадиий ва бошқа турдаги адабиётлар билан ҳам таъминланган турлидир.

— Маҳалла ёшлари билан тез-тез тарбиявий мавзуларда тадбирлар, уршувлар, адабий кечалар ўтказиб тураемиз, — дейди кутубхона мудири Каромат Боқиева. — Энг муҳими, ота-оналар фарзандларини кутубхонага етказиб келиб, ҳам тарбиявий, ҳам маънавий жи-

ҳатдан сабоқ бўладиган ҳалқ оғзаки ижодидан намуналарни, дostonлару улуг шoirларимиз ёзиб қолдирган рубоий, ғазал ва бошқа асарларни мутлаа қилмади.

Хуллас, ҳисор тизма тоғининг ёнбағрида жойлашган “Вардон” маҳалласининг ҳар бир аъзоси иш билан банд. Аҳолининг аксарияти деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга бонис, дастурхонимиз тўқин-сочин.

Ҳар бир маҳалла оқсоқоли ўз маҳалласини обод қилишда “Вардон” маҳалласи оқсоқоли олиб бораётган ишлардан ибрат олса арзийди.

Маъжид ШОДМОНОВ, маҳалла фахрийси.

Фермерлар кўмаги

# САҲОВАТ БАРАКАНИ КЎПАЙТИРАДИ

«Азизабону дурдонаси» фермер хўжалиги раҳбари Азизахон Эргашева кам таъминланган оилаларга бугдой тарқатар экан, деган гапга Қўрғонтепа туманининг Султанобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Фурқат ҳамда Ҳамза номидаги маҳаллалар аҳлининг кўпчилиги ишонмади.

Ким ҳам ўзи етиштирган бугдойни бошқаларга беради, деганлар ҳам топилади. Бирок бугдой ўрими якунлангач, 29 та кам таъминланган оилага 150 килограмдан бугдой тарқатилгани уларнинг шубҳасини тумандай тарқатиб юборди. Маҳалла нурунийлари саховатпеша фермернинг бу ишидан қувониб, дуо қилишди.

— Азизахон маҳалламизнинг фидойи аёлларидан бири, — дейди Фурқат номидаги ма-

ҳалла оқсоқоли Фуломжон Азизов. — У узоқ йиллар хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида фаолият юритган. Ўша вақтларда ҳам маҳалла меҳнатқашларини, ёрдамга муҳтож оилаларни ҳеч унутмасди. Мана, 4 йилдан буён фермер хўжалиги раҳбари бўлиб фаолият юритяпти, аммо ана шу савобли ишларни ҳеч қанда қилмайди.

Даромадга қараб буромад, деганларидек, фермер хўжалиги аъзолари бу йилги му-

рақкаб об-ҳаво шароитида ҳам ғалладан юқорй ҳосил олишга эришишди. 26 гектар майдондаги «Таня» навли бугдойдан 80 тоннадан зиёд ҳосил олиб, давлат режасидан ортган 10 тоннага яқин бугдойни хўжалик аъзоларига, кам даромадли оилаларга ёрдам сифатида тарқатди.

Бугдой ўрими арафасида фермер хўжалигининг аъзолари бўлган йигит ва қизнинг никоҳ тўйи ўтказилди. Тўйнинг барча харажатларини Азизахон ўз зиммасига олди. Ҳозир ёш келин-куёв фермер хўжалиги далаларида зўр ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилимоқда. Чунки Азизахон уларга фермер хўжалигининг йиллик даромадидан уй қуриб

беришни ваъда қилган.

— Маҳалламиздаги бир ногирон фуқаромиз шифохонага тушиб, уни зудлик билан операция қилиш керак бўлиб қолди, — дейди Ҳамза номидаги маҳалла оқсоқоли Илҳомжон Тошматов. — Мен бу ҳақда Азизахон опани хабардор қилдим. Маҳаллашларни учун қанчалик ёрдамга тайёр турувчи бу саховатпеша фермер хўжалик ҳисобидан барча харажатларини тўлаб берди. Фермер хўжалиги Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ўз ҳудудида истиқомат қилаётган 9 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ҳамда фронт ортдаги меҳнат иштирокчисини эсдалик совғалар билан тақдирлади.

Бундан ташқари, фермер хўжалигида 4 бош қорамол, 100 дона товуқ парвариш қилинади. Бу кичик фермада доимий иш жойига эга бўлган Шодибек Тўрақулов ва унинг турмуш ўртоғи Тоғжинсоҳон ҳар кун хўжалик аъзоларига сут, қатик, қаймоқ ҳамда туҳум етказиб беради. Ортганини эса маҳаллага арзон нарҳда сотишади.

Қувонарлиси, «Азизабону дурдонаси» фермер хўжалиги бу йилги даромади ҳисобидан маҳалла йўлларини ва дала шийпонини таъмирлашни қилаётган. Шубҳасиз, бу эзгу ишлар яқин кунларда маҳалла аҳлига муносиб совға бўлади.

У.САКОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

Менинг маҳаллам

# МЕҲНАТ ДИЛЛАРНИ ШОД ЭТАДИ

Қишлоғимни — қадрдон масканим, туғилган гўшамни кезар эканман, юрагимда фахр-ифтихор, қувонч туйғуларни тўлиб тошади. Равон йўллар, боғлар, хиёбонлар, гулзорлар...

Саноат коллежи, учта мактаб, иккита боғча-ясил, шинам иморатлар. Хонадонлар табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган. Олти гектарли иссиқхона, ҳаммом, кутубхона, шолчи чикарадан, бугдойни ун қилиб берадиган тегиримонлар. Бешта маҳалла гузарли, автомобиларга техник хизмат кўрсатадиган устaxonалар, тўртта тўйхона. Қишлоқ марказида уруш ва меҳнат фахрийси, эл меҳрига мушарраф бўлган Божон Нуруллаева ўрнатилган ҳайкал атрофида ташкил этилган хотира боғи. Сал нарироқда қадим обиди...

Хива шаҳрига туташ қишлоғимиз мустақиллик йилларида обод ва гўзал масканга айланди. Шоир, мусиқашунос, ҳатот, наққош Комил Девоний, Ўзбекистон халқ артисти Маткўб Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отаназар Маткўбуб, тиббиёт фанлари доктори Рустам Нуриллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Берди Раҳимов, Ўзбекистон халқ устаси Ҳайитбой Боғибоев каби ўнлаб қишлоқдошларимизнинг мустақил мамлакатимиз равақига

муносиб ҳисса қўшишга бонис, бизга фахр бағишлаши билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Уларга муносиб издод бўлмоқчи қишлоқ ёшларининг азму қарори.

Ватан остонадан бошланади. Ҳар ким ўз ерини обод қилиши, унинг тарихини чуқур билиши керак. Туғилган юртим Гандимен ҳақида шундай ривоят эшитилган. Қадимда икки ака-ука бўлган экан. Бирини серфарзанд, иккинчисини буйдоқ экан. Бугдой ўрнини туталаниб, ака-ука ҳосилни тенг бўлишди. Бирок акаси ярим кеча уйғониб, «Укам хали уйланмаган. Тўй қилиши керак. Шунга кўпроқ бўлсин», деб инисининг бугдойига ўзининг улушидан қўшиб қўйди. Тонгта яқин уқаси уйқудан туриб, «Акам серфарзанд, унга кўпроқ бўлсин», деб орасиникига ўз улушидан қўшиб қўйди. Шунда юйибдан садо келибди: «Шундай меҳр муҳаббатли, оқибатли одамлар юрти бугдойга кон бўлсин!». Икки оғанининг оқибатлилиги тўғрисида ҳар йили далада бугдой барқ уриб ўсадиган, халқ фаровон турмуш кеңирадиган бўлибди. «Гандим» — бугдой,

унга кон сўзи қўшилиб Гандимакон, сўнг ондан овизга ўтиб, сайқал топиб, ичмаклашиб Гандимен тарзида ифода қилинадиган бўлибди.

Ҳар гал бугдой ўрми-йиғини кунларидида шу ривоят эсимга тушиб, «Илоҳим, юртимизнинг тинчлигини элимизнинг аҳлига қўйиб, бизни сина!» дея ният қиламан. Зеро, аҳилликда ҳикмат кўп. Мана, аҳиллик билан меҳнат қилиб, қишлоғимиз бўйича 160 гектар майдондан 402 тонна бугдой олиб, дастурхонимиз тўқин бўлди. «Аҳмад Отабоев», «Борбўстон», «Машариф ота», «Қодир Божон» каби фермер хўжаликлари гектаридан 70 центнердан ошириб хирмон уйдилар. Энди одамлар пахтадан улкан хирмон яратиб ишчи билан меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда қишлоғимиз далаларида рўзазор баравж. Ҳосил ишончалари кўпаймоқда. Қишлоғимизни номига яраша уни фақат донга эмас, пахтага, мева, узум, полиз ва сабзавот маҳсулотларига ҳам кон қиламиз. Зеро, меҳнат тўғрисида маҳаллар обод, диллар шод, турмушимиз фаровондир.

Мадийр САЪДУЛЛАЕВ, Хоразм вилояти Хива туманидаги Гандимен қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

# ФИШТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШДИ

Сирдарё вилояти Боёвут туманида янги фишт заводи иш бошлади. Энг улуг, энг азиз байрам — мустақилликнинг 19 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган маъзкур корхонада олтинчи кизик иш билан таъминланди.

Туманининг «Наврўз» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида қад рoстаган корхона энг замонавий технология билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда кунига 20-25 минг донда пишиқ фишт тайёрлаш имконияти мавжуд.

“Асакабан”нинг Сирдарё вилояти бўлими молиявий кўмағида қисқа вақтда қурилиб, ишга туширилган корхонанинг асосий мақсади аҳолига сифатли, арзон қурилайш материаллари етказиб беришдан иборат.

Оила — маҳалла — мактаб

# ЭРТАМИЗДАН КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

< [1]

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Яъни меҳр-оқибат, қадр-қиммат, инсоф-диёнат сингари эзгу қадриятларимизни сўзда эмас, амалда, ҳар бир ҳаракат, ҳатто муомала орқали ёшлар онгига синдиришга ҳаракат қилаймиз. Бемор ётган қари-яни йўқлаш ёки қаровчиси йўқ кишининг юмушларига қўмаклашиш, ҳашарлар уюштириш ҳам бир сабоқ. Маҳаллаимиз болалари қатнайдиган 33-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Болбуви Шаймардонова бир ўқувчисининг хулқи ўзгариб қолгани, дарсларни қўп қолдираётгани ҳақида айтиб қолди. Биргалиши ўшани ўқувчининг хулқи ўзгарди. Онани касалхонада ётган экан. Бозордан у-бу нарса харид қилдик-да, шифохонга бориб ҳол сўрадик. Би-ласизми, бу ҳол боланинг онгига қан-чалик таъсир кўрсатганини? Ўқувчи-нинг айтишича, дарсларга қатнашиши ҳам, феъл-аъвал ҳам кескин ўзгарган. Ҳатто таътил кун-ларида ҳам ўқитувчининг уйига қат-наб, фанни янада чуқурроқ ўргана-

ётган экан.

Бизни яна бир ташвишлангирган жиҳат маънавий-тарбияга ёт бўлган турли дискарнинг сотувга чиқари-лаётгани, қўл телефонларга ўрнатил-ган ҳар хил тасвирлар, мусиқалар-нинг ёшлар тарбиясига салбий таъ-сир кўрсатаётганидир. Элимизнинг таъбири билан айтганда, маъзи тўқ, ҳеч бир куч чалғита олмайдиған ёшларни тарбиялаш учун оила, ма-ҳалла, мактаб "бир мушт" бўлиб ҳаракат қилаймиз. Ҳеч ким безъти-бор бўлгани йўқ. Юқориди таъкид-лаганимдек, эзгу қадриятлар синг-дирилган қалбни ҳеч қандай ёт таъ-сир забт этолмайди. Ёшлар ўртасида турли маънавий-маърифий таъбир-лар билан бирга, кўнглича шу да-стурулар ўтказиб боришимиз. Дасту-рларда асосий эътиборни ўзбекона фазилатларимизу инсон қадр-қимма-тига қаратаймиз. Шу билан бирга, "Энг намунали оила", "Энг обод хо-надон", "Энг чиройли кўча" таъбир-лари ҳам миллий қадриятларимизни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бола дастлабки тарбияни оилада олади. Шу боис, биз оилаларга кир-иб боришга, улардаги муҳитни ўрга-нишга ҳаракат қилаймиз. Ҳар бир ота-она фарзандлари қаерга бора-пти, дўстлари кимлар, қандай кино кўришгапти — бундан ҳамиша боха-бар бўлиб боришлари жуда муҳим. Буни ота-оналарга ётиги билан ту-шунтиришга ҳаракат қилаймиз. Ма-ҳалла фуқаролар йиғинимиздаги мав-жуд комиссияларнинг аъзолари, асо-сан, ўқитувчилар ҳисобланадилар. Шундан бўлса керак, гапимиз ҳами-ша бир жойдан чиқди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунали ташкил-лаш учун турли спорт мусобақала-ри, интеллектуал ўйинлар ўтказиб боришимиз. Уларда фаол иштирок эт-ган ёшларни рағбатлантиришимиз. Эътибор, эътироф — кўнглига йў-л топишнинг энг мақбул усули. Буни таъбирларда бир неча бор синов-дан ўтказганмиз. Мактабда аълочи, намунали ҳуққи билан бошқаларга ўрнак бўлган ўқувчиларининг уйла-рига бориб, уларнинг ота-оналарига раҳмат айтиш билан бирга, ҳар би-рига эсдалик совғалари ҳам топшир-дик. Ишончим комил, янги ўқувчи-

лида аълочилар сони янада кўпаяди. Мактабнинг 9-синфини битир-ган ўқувчиларни алоҳида назоратга олганмиз. Ўқитувчилар билан бир-галикда уларнинг оилаларига кириб чиқдик. Ўқишни давом эттиришни хоҳламаётган ёшлар, уларнинг ота-оналари билан суҳбат ўтказдик. Ма-ҳаллаимиз туман марказига яқин ҳудудда жойлашганлиги боис, ёшларимиз учун имкониятлар кенг. Ма-ҳаллаимизнинг ўзида зонавий ком-пьютер ва ахборот технологиялари коллежи мавжудлигидан ташқари, яна бир неча коллеж ва академик лицей, шунингдек, ёшлар ижодий маркази, спорт мактаблари ҳам бор-ки, булар ёшларимиз камолотида му-ҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил маҳаллаимиздан 90 нафар ўқувчи 1-синфга ўқишга қабул қилинади. Улар январь, март, май ойларида бир ҳафт-адан мактабга қатнаб, дастлабки би-лар билан келишган ҳолда, ёзи таъ-тил кунларида ҳам қўшимча машгу-лотлар ўтилади. Ўқувчиларнинг таътил кунларида "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-

танловини ўтказдик. Ёшларимиз бу тан-ловга тайёргарлик жараёнида маҳалла-имиздаги кўпчи қўрилган қариялар билан учрашиб, маълумотлар тўплашди. Тари-хий китоблари қўлёзмаларга излаб то-пишди. Қандай тепалик ёки тарихий қадамжо бўлса, ҳаммасини батафсил ўрганиб чиқди. Маҳаллаимизда қадимда олим уламолар яшаб ўтгани, уларнинг айримлари тарихда машҳур шахслар бўлгани ёшларимизга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади. Мақ-танлиш эмас, бутун 7 ёшдан 70 ёшга — барча маҳаллаимиз тарихини жуда яхши билишди.

«Куч — бирликда», дейди доно халқимиз. Ҳар бир иш «Оила — ма-ҳалла — мактаб» ҳамкорлигида амал-га оширилгани учунми, ҳудудимиз-да фахрланасан арийдиган ёшлари-миз кўп. Маҳаллаимиздаги мактабни битирган ўғил-қизларнинг ҳар йили қарийб 60-70 фоизи олий ўқув юр-тига ўқишга киради. Бу, албатта, юқоридиги ишларимизнинг самара-си. Фарзандларимизнинг бутун эл-юрт тараққийига нафи тегаётгани-дан хурсанд бўламиз. Ҳар бир ота-она, ўқитувчи ана шундай саодатга эришиши умиди билан яшамоқда.

Олия БОЛТАЕВА,  
Қашқадарё вилояти Косон  
туманидаги "Қуйи Оброн" маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси.

Фармон ва ижро

## НАМУНАЛИ МАСЛАҲАТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Самарқандда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида диний маъ-рифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ма-ҳалла маслаҳатчилари фаоли-ятининг йўлга қўйилиши юр-тимиз маҳаллаларидаги маъна-вий-ижтимоий муҳит барқарор-лигини таъминлаш, хотин-қиз-лар билан ишлаш самарадорли-гини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Маслаҳатчилар кенг аҳоли қатлами орасига ки-риб бориши маънавий-маъри-фий тарбият ишларида, оила-ларни мустақамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топи-

риш, ёшларнинг ҳар томонлама барқамол вояга етишида муҳим омил бўлмоқда.

Танловда туман, шаҳар бос-қичида ролиб чиққан маслаҳат-чилар ўз маҳаллаларида олиб бораётган иш фаолияти, янги ташаббусларни ҳаётга татбиқ этиш, ўз ҳудуди тарихи, анъана ва қадриятларини намойиш эт-дилар. Уларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Каттакўрғон шаҳар Мели Раззоқов номидаги маҳалла мас-лаҳатчиси Дилором Худойбер-диева биринчи ўринни қўлга киритди ва танловнинг мам-лакат босқичида иштирок эта-диган бўлди.

Ғ.ҲАСАНОВ,  
Ў.А. МУҲИРИ.

Сиз қандай йўл тугган бўлардингиз?

## АГАР АЙБ ҚИЗИНГИЗДА БЎЛСА...

САВОЛ: — Маҳаллаимиздаги оилалардан бирда айнан келиннинг айби билан жанжал содир бўлди. Бу оилани яраш-тириш учун сиз қандай йўл тугган бўлардингиз?

Жавоб: — Афсуски, бутун турмуш қуришни шунчаки ҳаёт тарзи, деб билган баъзи бир ёшларимиз оиладек муқаддас кўрғон шайига дов туширяп-тилар. Мен 6 йиллик масла-ҳатчилик фаолиятим давомида шу нарсага амин бўлдимки, қизларнинг айримлари турмуш қуришдаги қайнаш-қайнатаси, эрининг қариндош-уруғлари олдидаги келинлик бурчини адо-этгани хоҳламагани натижада ҳам оилавий низолар келиб чиқашди. Кўп ҳолларда, келин-чак оиласидаги турмуш ичи-чикларини, оила сирларини онасига келиб айтиши натижа-сида баъзи оналаримиз кўда то-монга келиб, қизининг қайна-насига ёки эрига дағдағалар қилиб, қизимни яшатайман, боласи бўлса ўзим боқиб ола-ман, дейишгача бориб етгати. Бундай ҳолат ҳеч қачон яхши-ликка олиб келмайди.

Маҳаллаларда турмуш қуриш ёшидаги йигит-қизлар билан давра суҳбатлари ўтка-зилиб, ҳаёт пасту баланликлардан иборат экани, уйим-жойим, дейдиган аёл турму-ши давомида синовларга сабр-тоқат қилиши лозимлиги айт-тилса, бу яхши самара беради. Шу ўринда мен оналарга баъзи бир гапларни айтмоқ-чиман. Азиз онажонлар, ав-вало, қизингизга ёшлагиданоқ уй юмушларини пушта бажа-ришни, хунарни бўлишни, до-

имо тилида, «Хўп бўлади», ка-ломи турлини таъкидлаб бо-ринг. Қизингизни узатаётган-нингизда: «Борган жойингда тош бўлгин, тул қўйиб паллак эгин», деб дуолар қилинган. Қизингиз улардан кейин ўша оиланинг аъзоси ҳисобланади. Унга шундай но-сихат қилинганки, у қилган но-жўя ишдан уялсин. «Қуда-чилик — минг йилчилик», де-ган гап бор. Сиз, аввало, қизингизнинг қайнараси би-лан соз бўлинг, унинг ҳурма-тини жойига қўйинг, зеро, кўвнинг эшити сизу бизнинг борадиган эшитимиз, уни қаттиқ ётмаслик керак.

Ҳеч қачон қизингизга, се-нинг гапинга маъқул, деманг, аксинча, ҳамма нарсанинг уво-ли бўлганидек, оиланинг, эр-нинг, қайнага, қайнатанинг ҳам уволли борлигини тушун-тиринг. Ўзингизнинг келин-лик даврингиздаги қийинчи-ликларни айтиб беринг, зеро, унинг қалбига оқ қўйлаб кий-иб, гўшангага киришдек бах-та муассар бўлганлигидан, бугунги кунда ёшлар учун яратилган шарт-шароитлардан шукроналик ҳисси уйғонсин. Шунданга ҳар иккала оила ўртасида қудачилик ришталари мустақам бўлади.

М. НАРЗУЛАЕВА,  
Навоий вилояти Кармана  
тумани «Фарҳод» маҳалласи  
фуқаролар йиғининг диний  
маърифат ва маънавий-  
ахлоқий тарбия масалалари  
бўйича маслаҳатчиси.

Қарор ва ижро

## МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Фарғона вилоятида янги йўл олдидан мактаб ярмаркалари иш бошлади

Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг шу йил 12 июлдаги қарорига асо-сан янги 2010-2011 ўқув йи-лига пухта тайёргарлик қуриш, умумтаълим мактаблари, акаде-мик лицейлар ва касб-хуна-р коллежлари ўқувчиларини мак-таб анжомлари, ўқув-методик қўлланмалар ҳамда мактаб кий-ими ва пойабзали билан таъ-минлаш мақсадида жойларда махсус мактаб бозорлари ва яр-маркалари ташкил этилмоқда.

Фарғона вилоятида мактаб ярмаркалари шаҳар ва туман марказларида, шунингдек, 105 мактаб қошида ташкил этил-ди. Олис ва чекка қишлоқ-ларда ҳам ўқув қуроллари ва анжомларини харид қилиш учун қулайликлар яратилди.

— Мактаб ярмаркаларини ташкил этиш бўйича вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорлик-да ишлаб чиқилган режага кўра, ҳар бир ҳудудда савдо қиладиган ташкилотлар аниқ белгиланган, — дейди Фар-ғона вилояти халқ таълими бо-шқармаси бошлиғи ўринбосари Нодир Аҳмедов. — Ярмар-каларни зарур маҳсулотлар бил-лан таъминлаш ишларига «Ўзлугуржисавдоинвест»нинг ҳудудий савдо базалари, ви-лоят «Матлуботсавдо» компа-



СУРАТДА: Фарғона шаҳрида ташкил этилган мактаб бозоридан лавҳалар. Муқимжон Қодиров (Ў.А) олган сурат.

нияси ҳамда йирик савдо фир-малари жалб этилган. Мактаб ярмаркаларида савдога чиқа-риладиган маҳсулотларнинг юқори сифатли ва арзон, кўриниши ва безаклари, ху-насусан, ёзув дастурларининг муқоваси миллий қадриятла-римизга, халқимизнинг ахло-қий қарашлари ва маънавия-

тига мос бўлишига жиддий эътибор берилмоқда.

Фарғона шаҳри марказида иш бошлаган мактаб ярмарка-сида юздан ортиқ турдаги ўқув анжомлари ва буюмларни харид қилдим. Айниқса, пластик кар-точкалар орқали савдо қилиш имкони яратилгани бизга жуда маъқул бўлди.

М.СУЛАЙМОНОВ,  
Ў.А. МУҲИРИ.

Соғлом она — соғлом бола

## ТИББИЙ КЎРИК — САЛОМАТЛИКНИНГ АСОСИ

Аҳоли саломатлигини асраш, соғлом авлодни дунёга келтириш масаласи истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ турмуш тарзимизнинг бош мақсадига айланган.

Шу нуқтан назардан Юртбоши-миз томонидан 2009 йилда имзо-ланган "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатли-гини мустақамлаш, соғлом бола ту-ғилиши, жисмоний ва маънавий бар-қамол авлодни волга етказиш бора-сидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорнинг ижросини таъминлаш бар-чамизнинг зиммасига катта ва масъ-улиятли вазифаларни юкляди.

Туманимизда жами 47315 нафар туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, улар-нинг 44351 нафари жорий йилнинг март-апрель ойларида чуқурлашти-рилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Аниқланган касалликлар бўйича соғ-ломлаштириш ишлари ташкил қилинди. Исталмаган ҳомиладорлик-нинг олдини олиш бўйича 4126 на-фар туғиш ёшидаги аёллар контра-цепция қамровига олинди. Бу бора-да таърибали маҳалла маслаҳатчи-лари тиббиёт ходимларига яқиндан

кўмак бериб келишаётди. Президен-тис қарорларининг мазмун-моҳи-яти, тиббий кўриқнинг аҳамияти, репродуктив саломатлигини мустақ-амлаш, соғлом оилани шаклланти-риш бўйича аҳоли ўртасида тушун-тириш ва тарбият ишларини олиб бориш маҳалла маслаҳатчиларининг асосий вазифалари қилиб белгилан-ган. Улар малакали шифокор ва тиб-биёт ходимлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда "Соғлом она—соғлом бола", "Соғлом оилани шаклланти-риш асослари", "Соғлом оила — соғ-лом келажак гарови", "Оила муқад-дас даргоҳ" мавзуларида учрашув-лар, давра суҳбатлари, жонли муло-қотлар ўтказиб келишгапти. Таъбир-лар ижросининг самарадорлигини таъминлашда Амиробод қишлоқ фу-қаролар йиғини маслаҳатчиси Ю-ладуҳон Мақсудова, "Олчин" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, "Шухрат" медалга соҳибаси Мохи-рахон Сиддиқова, "Мурувват" ма-ҳалла фуқаролар йиғини маслаҳат-

чиси Марҳабохон Абдурахмонова, "Қаҳат" маҳалласи маслаҳатчиси За-мирахон Бегматова, "Иттифок" ма-ҳалла фуқаролар йиғини маслаҳат-чиси Гулбахор Жабборованинг фаол иштирокини алоҳида эътироф эти-лмоқда. Улар томонидан хотин-қиз-ларнинг саломатлигига оид ижти-моий-тиббий муаммолар ўз вақтида ва ижобий бағратга этилаётгани ма-ҳалла маслаҳатчиларининг хотин-қизлар ўртасидаги нуфузини янада оширмоқда.

Тарбият ишларини амалга оши-ришда туманда тузилган "Маърифат-ли аёллар" клуби аъзолари ҳам таш-килотчилик қилиб келишгапти. Клубнинг фаол аъзоларининг сало-матлигига доир турли мавзулардаги ҳаётий мисолларга бой суҳбатлари нафақат ёш келинлар, балки қайна-лар, давра суҳбатлари, жонли муло-қотлар ўтказиб келишгапти. Давлат дастури доирасида бўлажак оналар ҳисобланган ўсмир қизлар тиббий кўригини ўтказишга ҳам маҳалла-ларимизда жиддий эътибор қара-тилмоқда. Биргина апрель ойида туманимизнинг энг чекка "Зафа-робод", "Дўстлик", Қаримбобо, "Дашт", Ҳамзаобод, "Чопдор",

"Дўрманча" каби қишлоқ ва маҳал-лаларида яшаётган 1812 нафар ўсмир қизлар тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғлиғида муаммо аниқ-ланганлари шифохоналарда даво-лаштирилгани алоҳида эътироф эти-лмоқда. Тиббий кўрик давомида ш-ифокорлар хотин-қизлар ўртасида аёл соғлиғига эътибор қаратилиши-нинг аҳамияти, туғруқлар оралиғи-ни сақлаш, исталмаган ҳомиладор-ликнинг олдини олиш, ўсмир қиз-ларнинг саломатлигига жиддий эъ-тибор бериш, уларнинг оилавий ҳаётга ҳам жисмонан, ҳам маъна-ян, ҳам тиббий жиҳатдан тайёргарли-гини таъминлаш масалаларида мас-лаҳатлар беришиб, жонли мулоқот-лар, давра суҳбатларини ташкил этишмоқда.

ФҲДБ бўлими қошида ташкил қилинган "Оила дорулфунуни" ту-манимиздаги 7 та коллеж ва 55 та мактабда мунтазам равишда муло-қот ва давра суҳбатлари ўтказиб ке-ляпти. "Никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти", "Оила қуришга тайёрсизми?", "Соғлом оила — соғлом келажак асосидир", "Оилада, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни", "Репродуктив са-ломатлик ва ёшлар" мавзуларида

ўтказилган машғулотлар ёшларга жуда манзур бўлмоқда. Келажакда соғлом оила қуриш масалаларида муҳим оилаларни ўзлаштирган "Оила дорулфунуни"нинг 160 на-фар тинловчи-ёшларига сертификатлар топширилади.

Барқамол авлод йилида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида тумани-миздаги 21 та қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник ба-засини янада мустақамлашга ало-ҳида эътибор қаратишмоқда. Қишлоқ врачлик пунктлари "Саломатлик-2" лойиҳасига асосан жиҳозланыпти. Кўчак, Олчин, Қўштеғирмон, Ир-роли, Амиробод ва Қаримбобо қишлоқ врачлик пунктлари янги тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ушбу замонавий тиб-бий жиҳозлар тиббий хизматнинг яхшиланшига, соғлом авлодни шак-ллантириш ва аҳолининг репродук-тив саломатлигини мустақамлашга хизмат қилади.

Гўёхон ФОЗИЛОВА,  
"Маҳалла" хайрия жамғармасининг  
Бағдод туман бўлинимаси бошқаруви  
бош мутахассиси.

Маслаҳатчи минбари

## ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАЛАРГА СУЯНИБ

Тошкент туманининг Э.Жалилов номи маҳал-ласидаги иш фаолиятини ҳудуддаги оилалар-нинг ижтимоий-демографик харитаси ва маълум-отлар базасини яратиш, шу асосда аҳоли ўрта-сида маънавий-тарбиявий ишларни олиб бо-ришининг чора-тадбирларини белгилашдан бош-лагандим. Натижа яхши бўлди.

Дастлаб аниқланган иккита нотинч оила ҳамда бир нафар маънавий-ахлоқий носоғлом аёл билан якка тартибда иш олиб бордик. Намунали оилалар, ну-роний отахонлар ва онахонлар-нинг ҳаётий таржибасига су-ниё ўтказган суҳбатларимиз тўғрисида улар соғлом турмуш тарзига қайтишди.

Ёшлар, хотин-қизларнинг носоғлом диний оқимлар таъ-сирига тушиб қолишига чек қўйиш, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ил-латлар, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик ва ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича кенг қўламли тарбият ишларини олиб бордик. Вояга етмаган-лар ўртасида сўнгги йиллар-да бирорта ҳам жиноят содир этилмагани сўй-ҳаракатлари-мизнинг самарасидан дало-латдир.

Сир эмас, бутун маҳалла мас-лаҳатчиси зиммасидаги вазифа-лар салмоғи катта. Аналик ва боламликни муҳофаза қилиш бо-расидаги ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, аҳоли ўрта-сида ўқув машғулоти ўтказ-ямиз. Кейинги тўрт йилда ма-ҳаллаимизда оналар ва болалар ўлимнинг қўл этилмагани бизни қувонтиради. Юзага ке-лаётган айрим оилавий муам-маларни яраштириш комиссияси аъзолари билан ҳамкорликда бартараф этилаётгани боис, оилавий ажримлар ҳам кескин камайди.

Аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш, прокуратура, ички иш-лар идоралари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, 9-умумтаълим макта-би, 1-сонли поликлиника ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси-нинг туман бўлинимаси бошқа-руви ҳамкорлигида "Туғиш ин-тервали", "Тиббий кўриқдан ўтишининг афзалликлари", "Ўзбекистон келажак соғлом авлод қўлида", "Ёшларни оила-вий ҳаётга тайёрлаш" каби мав-зуларда давра суҳбатлари, уч-рашувлар ўтказилаётгани бу йўналишдаги ишларимизга кўмак бермоқда. Туғиш ёшида-ги аёллар ўртасида тарбият ишларини олиб бориш мақса-дида поликлиника ҳамширалари, гинекологлар билан бирга, шаҳар марказий шифохонаси-

дан ҳам етакчи, таърибали ш-ифокорлар бириктирилган. Оқ-халатли, оқ ниъяти бу инсон-лар хушмуомалалиги, ширин-сўзлиги билан ҳудди бўлажак онанинг онасидек, тунлажаж фарзандининг отасидек кўнгли-ларга йўл топади. Улар эртаю кеч соғлом фарзандни дунёга келтириш йўлида оила аъзола-ри билан баб-баравар тиним билишмай, ҳомиладор аёллар ҳолидан хабар олиб туришади.

Маҳаллаимизда юрағида ўти, биғағида кучи бор каттаю кич-чик фойдали меҳнат билан машғул. Маҳаллада томорқадан фойдаланиш бўйича катта таъ-риб бўлишига эришдик. Иссиқхона-ларда қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича кенг қўламли тарбият ишларини олиб бордик. Вояга етмаган-лар ўртасида сўнгги йиллар-да бирорта ҳам жиноят содир этилмагани сўй-ҳаракатлари-мизнинг самарасидан дало-латдир.

Сир эмас, бутун маҳалла мас-лаҳатчиси зиммасидаги вазифа-лар салмоғи катта. Аналик ва боламликни муҳофаза қилиш бо-расидаги ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, аҳоли ўрта-сида ўқув машғулоти ўтказ-ямиз. Кейинги тўрт йилда ма-ҳаллаимизда оналар ва болалар ўлимнинг қўл этилмагани бизни қувонтиради. Юзага ке-лаётган айрим оилавий муам-маларни яраштириш комиссияси аъзолари билан ҳамкорликда бартараф этилаётгани боис, оилавий ажримлар ҳам кескин камайди.

Аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш, прокуратура, ички иш-лар идоралари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, 9-умумтаълим макта-би, 1-сонли поликлиника ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси-нинг туман бўлинимаси бошқа-руви ҳамкорлигида "Туғиш ин-тервали", "Тиббий кўриқдан ўтишининг афзалликлари", "Ўзбекистон келажак соғлом авлод қўлида", "Ёшларни оила-вий ҳаётга тайёрлаш" каби мав-зуларда давра суҳбатлари, уч-рашувлар ўтказилаётгани бу йўналишдаги ишларимизга кўмак бермоқда. Туғиш ёшида-ги аёллар ўртасида тарбият ишларини олиб бориш мақса-дида поликлиника ҳамширалари, гинекологлар билан бирга, шаҳар марказий шифохонаси-

Лутфи АЗИЗОВА,  
Тошкент вилояти Тошкент  
тумани Э.Жалилов номидаги  
маҳалланинг диний маърифат  
ва маънавий-ахлоқий тарбия  
масалалари бўйича  
маслаҳатчиси.

Ижтимоий муҳофаза

# МУРУВВАТДАН КЎНГИЛ МАЛҲАМ ТОПАДИ

Отaxon ҳеч кутмаган эди буни. Ўзи емай едирган, киймай кийдирган, бошқалардан кам бўлмасин, деб ўқитган иккала фарзандидан ҳам меҳр кўрмади-я. Умр йўлдоши вафот этганидан кейин ака-ука отасини «Мурувват уйи»га ташлаб кетишди.

Шундан буён уч йилча вақт ўтди, лекин фарзандлари бирор марта йўқлаб келмади. «Эҳ болаларим-а, жигарбандларим, шу ниятда камолга етказган эдимми сизларни?! Ҳатто онангиз вафоти олди: «Отангизни хафа қилманглар, сизларни деб кечани кеча, кундузни кундуз демай, тер тўқди, ҳаловат билади!» деган васият ва илтижоларига ҳам парво қилмади-я!», дея пичиради отaxon.

— Укинманг, Раззоқ ота! Мен борман, айтнинг, нима қилай? Дори берайми? Ёки чой дамлаб келайми? — деди унинг ўқиски нидосини эшитиб турган ҳамшира.

— Қизим, — деди Раззоқ ота ҳамширани бағрига босиб. — Яхшиям, сен бор экансан, «Мурувват уйи» бор экан, бахтимга. Бўлмаса қаерга борардим?! У фарзандларидан кўрмаганимни сизлардан кўрайман.

— Укинманг, йиғлама, отaxon. Биз бормиз-ку, айтинг не хизматингиз бўлса...

Отaxon ҳамширанинг ширин сўзларидан кейин кўзларидан ёшлар арди. Ўқиски кўнгли тоғдек кўтарилди. Хоразм вилоятидаги «Мурувват

уйи»да Раззоқ отага ўхшаб турли ноҳуш сабаблар билан бу ерга келиб қолган, жисмоний имконияти чекланган, ҳар томонлама муҳофазага муҳтож инсонлар умргузоронлик қилишади. Ҳар бирининг ўзига яраша дарди бор. Бирови боқувчисини йўқотган, бирови ўз жигаргўшалари ҳаёт бўла туриб, бу ерга келиб қолган. Улар орасида руҳий хасталиқда чалинганлари ҳам бор.

Баҳром Бекзонов эҳдида киркдан ошди. Автомобиль ҳалокатига учраб, иккала оёғи кесилишдан олдин у ҳаммага керак эди. Баҳром эмас, Баҳромжон деб чақириларди уни. Иккала оёғини тизасидан кесилгандан кейин у яқинларига керак бўлмай қолди. Умр йўлдоши ташлаб кетди. Вояга етмаган фарзандларини ҳам ота дийдоридан маҳрум қилди. Бахтига маҳалла-қўй бор экан, «Мурувват уйи»га олиб келишди. Маҳалладошлари, қўшнилари ҳолдан хабар олиб туришади.

Бухоролик Умрзоқ отанинг дардалами ичди. Фарзанд кўрмади. Не-не орзу ниятлар билан турмуш қўрган, бир умр вафодор бўлмаган, сиздан ўлгунча айрилмайман, дея қасамлар

ичган ётиқдоши: «Сизни сўхаттоҳга олиб бораман», деб алаб, бу ерга олиб келиб, уйини ўз номига ўтказиб олди...

Хуллас, бу ерда 140 нафар турли тақдир эгалари яшади. Улар республикамизнинг турли ҳудудларидан келишган. Бу инсонлар тақдиридан воқиф бўлсангиз, беихтиёр кўзингиз намланади. Фақат уларга кўрсатилаётган меҳр-мурувват, оқибат, саховат, мадад, имкониятлардан кўнгли таскин топади. Инсонпарвар ҳукуматимиз, ғамхўр Юртбошимиз борлигидан фахр, фурқатга тўласиз.

«Мурувват уйи»да барча тиббий, ижтимоий, маданий қулайликлар мавжуд. Унинг атрофи боғ. 3,5 гектар майдонда ёрдамчи хўжалиги бор. Бу ерда 10 бош соғин ситир, 8000 дан зиёд парранда боқилапти. Яқинда балкичилик ва ўрдақчилик хўжалигига асос солинди. Иссиқхона қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

«Мурувват уйи» бу ерга келганларнинг ўз уйига айланган, — дейди муассаса раҳбари Темурбек Бобо-жонов. — Уларга кечаю кундуз ғамхўрлик кўрсатмоқдамиз. Айтиш жоизки, «Мурувват уйи»да ишлаш бошқа касалхоналарга қараганда анча қийин. Нега деганда, бу ерда ишлаш учун тоғдек сабр-бардош, буқилмас прода керак. «Шухрат» медалли соҳиблари Моможон Отабоева, Салима Маткаримова, шунингдек, Сафурра Сайдинова,

Бектурди Худойбергенов, Сайёра Жуманиёзова, Ўринбой Худойбергенов, Рўза Жуманиёзова, Санамжон Ёқубова, Қундуз Сметова, Фароғат Ниёзметова, Клара Отажонова каби шифокорлар нафақат тиббий муолажалари, ширин сўзлари билан ҳам дардли кўнглиларни шод этишмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, турли ташкилот, муассаса, корхона, жамғармалар, саховатпеша инсонлар «Мурувват уйи»дан ўз ҳимматини аямаяпти. Утган даврда 32 миллион сўмдан зиёд хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Айниқса, «Осиё-Хива» меҳмонхонаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоти бўлими, туман прокуратураси дорн-дармонлар, жижозлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатишди. Абдушариф Болтаев, Жалола Қурбонов каби тадбиркорлар кийим-кечақлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳада қилишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов, «Нихол» мукофоти совриндори Муродбек Қиличев, хушовоз хонанда Зафарбек Қурбонбоев хайрия концерти уюштирилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Раҳимбой Каримов яқинда «Мурувват уйи» кутубхонасига 200 дона бадиий китоб совға қилди. Вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси «Мурувват уйи»ни доимий оталиғига олган.

Дунёда муҳтожларга ёрдам беришдан олтиқ савоб, эзу иш йўқ, «Мурувват уйи» жамоаси фаолияти эса, эътирофга сазовор, эътиборга лойиқдир.

Абдулла САФОВЕВ, «Mahalla» мухбири.

Ибратли тўй

# БАХТ КАЛИТИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Маҳалланинг энг оқила кизларидан бири Наргизанинг узоқ қишлоқдаги йиғитга унаштирилганини эшитганлар онаси Комила онага бироз ачингандек бўлишди:

— Борди-кедига қийналиб қолмайсизларми, ахир, тўйнинг ўзи бир ҳафта давом этади-ку...

— Биз қудалар билан келишдик, маросимларни бир кунда ўтказамиз. Ортиқча овоз-рағарчилик, сарф-харажат бўлмайди, — деди қизнинг онаси хотиржамгина.

Шаҳарнинг ўзига хос удуларига ўрганиб қолган аёлларнинг баъзилари бу гапга унчалик ишонмади. Қандай қилиб шунча расм-русумни бир кунда ўтказиш мумкин? Ахир, оdatда, тўйдан икки кун олдин «новвой», «муборақбад», «қўрпа йиғи», «базм» деган маросимлар бор. Тўйнинг эртасига эса, бир автобус хотин-халаж қувёниқиде, индинига яна шунча аёл келиниқиде меҳмондорчиликда бўлиши керак. Яна «куёв чақирув», «ота чақирув» дегандек...

Наманган Давлат университети доценти, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Исоқовнинг хонадонига қизи Наргизани келиниқиде сўраб келган иқтисод фанлари номзоди, доцент Зафаржон Худойбердиев унаштирув кунини камчиқим, тартибли, икки томонга маъло келмайди қилиб ўтказиш ҳақида гап очди. Бу Бахтиёр акага ҳам жуда маъқул келди. Сабаби, унинг ўзи қаерга бормасин, қайси аудиторияда матрузда ўқимасин, одамларни замонавий бўлишга, ҳаётнинг қадрига етиб яшашга даъват қилади. Агар гапига ўзи амал қилмаса, айтганларининг маънисини қаёқда қолди?

Зафаржон аканинг турмуш ўртоғи Сабоҳон ая ҳам Комилахон ая сингари умрини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган фидойи аёл. Икки ўғлини камолга етказди, мана, энди тўғичи Ёрқинбекни уйлантириш тарадуудиде. У уни-

верситетни битирган, иқтисодчи, келин ҳам олий маълумоти, тарих фани муаллими. Иккаласи ўз йўналишлари бўйича магистратуранинг иккинчи босқичида таҳсил олишяпти.

Аёллар барибир тўйнинг бошида туришади. Сабоҳон аянинг латта-путта олди-бердиси қилмаслик тўғрисидаги таклифи қудаси Комилахон аяга маъқул тушди. Аксарият ҳолларда икки томонга совуқчилик шунинг орқасидан тушади, чунки барибир тарозининг икки паласи бор.

Шундай қилиб, тўй кунини белгилади. Қудаларнинг бири Наманган шаҳридан, иккинчиси Норин туманидан бўлгани учун, ҳар эҳтимолга қарши, маҳаллий расм-русумларни ҳам бир-бирларидан билиб олишди. Саҳарда маҳалла, қариндош-урууларга ош тарқатилди. Кунининг ярмида куёв жўралари билан келиниқиде келадиган бўлди. Уларнинг Норинкапа қишлоғида меҳмон йиғитларга сигарет, зағалка бериларкан. Буни эшитган Комилахон ая қуде хотинга секингина сим қоқди ва куёв сигарет чекадими-йўқми, шуни сўради. Ёрқинбек бу одатдан узоқда экан. Унда бошқа нарса ўйлаб топиш керак. Ая сингиллари билан маслаҳатлашиб, сигаретнинг урнига пайпоқ, дастурчилик берадиган бўлишди. Бу қудалик заруратга ярайдиган совғаларни куёвжўралар ҳам мамнуният билан қабул қилишди.

Шундай қилиб, оппоқ либосдаги келин ота фотихасини олгач, куёв бошчилиқда машиналарга ўтириб, тўғри Норинкапага йўл олишди. Озгина ўтиб, «ота чақирди» ва «рўқишон»га борадиганлар ҳам жўнаб кетишди. Ниқоҳ маросими ҳам Зафаржон аканинг ҳовлисида бўлди. ФХДБ бўлими вақили келиб, келин-

куёвларга гувоҳнома топширди, уйин-қулгу, куй-қўшиқ авж олди. Ҳатто «келин салом» ҳам шу вақтнинг ўзида бўлиб ўтди.

Қизларнинг тушунган, оқибатли одамлар хонадонига келин бўлганидан Бахтиёр домла ҳам, Комилахон ая ҳам хурсанд. Айниқса, тўй жуда камчиқим ўтди, ҳатто сеп олишга ажратилган пулининг бир қисми ортиб қолди. Икки ўғилнинг ёнига қиз ҳам қўшилганидан Сабоҳон аянинг хурсандлиги чексиз. Қишлоқ бўлагини билан турмуш шароитлари шаҳардан қолтирмаган экан, оилада ҳамма бир-бирига яқин бўлиб, оқибатли бўлиши ширинсўз, оқибатли.

Бу тўй тафсилотини келтиришдан мақсад, кейинги йилларда ниқоҳ маросимлари ҳаддан зиёд дабдабали бўлиб кетаётганига эътиборни тортиш. Унашув белгиси сифатида қизга тилла тақичоқ тақиб, қудаларнинг бир-бири билан беллашиб сарпо қилиши, дастурхон безаш, қатор-қатор машиналар жалб қилиб ФХДБ бўлимига бориш, тўйдан кейинги йўқловлар, ҳайит саватлари... Аммо ҳамма ҳам фарзандларимиз, аввало, ўқисин, хунар эгалласин, оила тебратилга тейиб бўлсин, демаяпти. Шу боис ажрашлар бўлади, кечяги орзу-ҳаваслар ўрнини бугун ота-онанинг кўнглини болаларинг тинчлик кетармикан, деган хавотир эгаллагани ҳам айнан шу шошма-шошарлик туғайди. Энг салбий томони, ота-онанинг топиш-тутишдан қайти назар, ортиқча одатларига амал қилиши шарт, акс ҳолда...

Юқоридеги тўй соҳибларининг ҳам дабдабага имкониятлари етарди. Бироқ ўзлари зиёли эмасми, аввало, бир-бирларига мос қуде танлашди. Йиғит ва қиз ҳам бир-бирига муносиб. Тўй пайтида бунга яна бир бор иқдор бўлишди. Энди ёшларнинг бахтли бўлишига шубҳаланмас бўлади. Уларнинг ўзлари ҳам ота-она бўлишга, худди шу йўлдан боришади.

Зоҳидхон КЕНЖАЕВА, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани «Давр» газетаси муҳаррири.

Оила тилсими

# МЕҲРДАН ЯРАЛГАН РИШТАЛАР

Дилоромнинг уйига бир-икки аёл келиб, ота-онаси билан гаплашиб кетишганидан бери тинчи йўқолди. Ахир, у иккинчи бор турмушга чиқаяпти. Ўзга оилага кетиш онлари яқинлашган сари хавотири ошгандан ошаверди.

«Бировнинг боласига она қилиш қийин бўлса керак, мени қандай кутиб олишаркан? Бегона болаларнинг эрхалиғи инжиқликларига чидай олармиканман? Баъзида синглимнинг ёки укаларимнинг болалари хархаша қилса кўтаролмайман. Олти йиллик фарзандсиз турмушим менинг дийдамни қаттиқ қилиб қўймадимми? Улар менинг айтганимни қилмаса, нима қилишим керак? Ширин гапириб, меҳр кўрсатсам, улар бошимга чиқиб кетмасмикан? Ёки бошдан маҳкам ушлашим керакми?» Унинг кўнглидан шундай адоғи йўқ хавотирли ўйлар ўтаётганди.

Олимнинг, яъни Дилоромга совчи қўйган эркакнинг дилдан эса: «Ўзга аёл раҳматли хотинининг ўрнини босармикан? Икки ўртада мен қийналиб қолмасмиканман? Умуман, уйланимай ўтсам-чи? Лекин болаларга она керак. Ҳадемай қизларим катта бўлса, улар билан сирлашиб, дарда-лашадиган онаси бўлиши керак-ку...», деган ўйлар кечяётганди.

Бу пайтда болаларга: «Уйимизга келган аёл киноларда кўрсатганидек, бизларни турткиламасмикан? Амаларимиз, ҳолааримиз айтганидек, ўтай барибир ўтайлигини қилмасмикан? Бизларга кун бермаса, икки ўртада дадамга қийин бўлмасмикан?», деган ўй-хаёл тинчлик бермаётганди.

Бугун Дилоромни бир-икки аёл ирим-сиримини қилиб олиб келганига бир кун бўлди. Болалар бувинсиникида, ҳализамон келиб қолади. Дилоромни ўй босди: «Улар билан қандай кўришсам экан? Кучоқлашиб кўришайми? Ёки шундай саломлашиб қўя қолайми? Улар салом беришмаса-чи? Ҳаммаси эсини тартиб қолган. Ҳўроқанд билан алдаб бўлмасам...»

Аёллар кетгач, Олим ака унинг ёнига чўқди. У ёққа қаради, бу ёққа қаради, гапни нимадан бошлашни билмай қаловлачди. Кейин томонини қириб йўталади:

— Дилоромхон, уйимизга келиш қийин бўлса керак, мени қандай кутиб олишаркан? Бегона болаларнинг эрхалиғи инжиқликларига чидай олармиканман? Баъзида синглимнинг ёки укаларимнинг болалари хархаша қилса кўтаролмайман. Олти йиллик фарзандсиз турмушим менинг дийдамни қаттиқ қилиб қўймадимми? Улар менинг айтганимни қилмаса, нима қилишим керак? Ширин гапириб, меҳр кўрсатсам, улар бошимга чиқиб кетмасмикан? Ёки бошдан маҳкам ушлашим керакми?» Унинг кўнглидан шундай адоғи йўқ хавотирли ўйлар ўтаётганди.

Дилоромни ҳаяжон босди. Йўқ, эри билан илк бор холи қолгани учун эмас, йўқ... Олимнинг «сиз»лаб гапирishi унинг учун қутилмаган ҳол бўлди. Ахир, биринчи эри билан 6 йил худди дўзда яшагандек яшади-да. Эри тажаниб, қўпол, ароқхўр эди, аёл кишини ҳурмат қилиш тугул, одам қаторида санамасди. Фарзандсизлигини юзига соловвериб, турткилайвериб рангини саргайтирди. «Фарзанд кўрсам, ҳаммаси изга тушиб кетар», деб умид қилиб яшайди Дилором. Бироқ фарзанд кўрмади, ҳаёти ёмон бўлса бўлдики, яхшиланмади. Бир-икки дўхтирларга кўринган бўлди. Улар ҳам жўяли гап айтмади. Яхши шифокорларга кўринишга эса пул тополмади, эрининг топгани ароғидан ортмади.

Шунинг учун ҳам Олимнинг «сиз»лаб гапирishi қулониға галати эшитилди. Кўнглида «устимдан кумап-иятмикан», деган хавотир ҳам йўқ эмасди.

— Энди болалар масаласига келсак, — деди Олим. — Сўнгра бироз сукут сақлаб давом этади, — менинг дунёга келиб топганларим шулар. Уларни ҳеч қачон уришмаган қарарди, гўёки яқин дўсти эди уларнинг. Сиздан илтимос, фарзандларимни хафа қилманг. Агар уларнинг кўнглига йўл топа олсангиз, топган-тутганим сизники...

Олимнинг гапи тулагини кутиб тургандек, бирин-кетин ховлига болалар кириб келишди. «Янги оийи»га барибир салом бериб, ўз хоналари томонга ўтиб кетишди.

Олим айтганча бор экан: болалар ҳақиқатан ўта одобли, мўмин-қобил. Аммо... шу билан одамвороқми-ей. Мана олти ойки, улар Дилором билан тузук-қуруқ гаплашишмайди. «Ўтай», деган фикр бо-

лаларнинг онги шуурига шу даражада ўрнашиб қолганмикан, ҳали ҳамон ундан узоқроқ. Шунинг учунми Дилором ўзини баъзи-баъзида ортиқчадек ҳис қилади. Аммо... эрининг ўта меҳрибонлиги, ширинсўзлиги унинг шубҳаларига ўрин қолдирмайди. У доимо: «Қандай қилиб бўлмасин, болаларнинг кўнглига йўл топиш керак. Шундай олижаноб одамнинг фарзандларини ёмон кўриб бўладими? Уларнинг дилидаги «ўтай», деган сўзни ўчириб ташлашга, албатта, эришаман». Ҳа, у Олимни севиб қолган, илк марта бахтнинг нималигини ҳис қилаётганди. У болалар учун ҳамма нарсага тайёр эди. Гоҳ болалар учун мазали таом, пишириқлар тайёрлар, гоҳида бозорга бориб уларга совға салом кўтариб келарди. Дилором болалардан «ойи», деган сўзни эшитишга муштоқ эди. Аммо болалар унга сўзсиз бўйсунсалар-да, гапини икки қилишмаса-да, барибир ўзларини олиб қочинарди.

Шундай қуналарнинг бирида Дилором болаларнинг барини мактабга жўнатди-да, томорқадаги пиёзэни ўтоқ қилишга киришиб кетди. Ўз хаёллари билан анчагина жойини ўтоқдан чиқарди. Аммо илкис бошини кўтаргани учунми, кўз олди қоронғиланиш хушини йўқотди. Шу топ ховлига биринчи бўлиб кириб келган Ҳилола Дилоромнинг чўзилиб ётганини кўриб қўрқиб кетди. Жон ҳолатда: «Ойи, ойижон, сизга нима бўлди?», деганча аёлнинг бошини кўтарди. Кейин пиёлада сув олиб келди-да, Дилоромнинг юзига селди. Дилором кўзини очди. Теласида юзига тинмай шапатлаганча: «Ойи, сизга нима бўлди?», дея йиғлаётган Ҳилолани кўриб, ўрндан туришга уринди.

— Ойи, дедингми?! Тилларингдан оининг ўргинасин, қўрқма, озгина офтоб элтиди, шекилли.

Ҳилола Дилоромнинг кучоғига ўзини олди: «Ўзимнинг ойижоним!», деди бағрига бошини қўйганча.

Дилоромнинг кўзига севиноч ёшлари қалқди. Аммо у ҳали олдинда ўзини яна бир тухфа — юраги остида митти вужуд улаётганини билмасди...

— Инсон хато қилади, қилган хатосини тан олиш баъзан одамнинг юрагини гурбурдан тозалайди, — деди Сайёра опа Сабоҳатнинг афсусу на-домат қоршиган юзига тикилганча.

Сетора БОНУ.



Ўзбекона угум

Турмуш чорраҳаларида

# ЭТИК ЮВАЁТГАН АЁЛ

Сабоҳат маҳалла фуқаролар йиғинига кириб келганида кун пешиндан оғган эди. Маҳалла маслаҳатчиси Сайёра опа Сабоҳатни хонага бошлади.

— Бугун мен билан бирга эрим яшайдиган уйга борамиз. Мана, неча ой бўлдики, эримдан дарак йўқ, ўтган кунни қўнчилиқ пул ташлаб кетибди. Гап фақат пулда эмас-ку! Ўзим дадасини кўрмай ичкили кетяпти, унга отасининг меҳри керак, ахир, — деди у Сайёра опанинг рўпарасидеги стулга жойлашгач.

— Ана энди инсофга келибсиз. Шу пайтгача ажрашман, ажрашман, дердингиз, сизга берган қанча паңдана-насихатларимиз зое кетди. Оила қадрини энди билдингизми? — деди Сайёра опа мийиғида жилмайиб. — Шунанга дардингиз бор экан, қайната-қайнанангизнинг олдиға бориб, вазиятни тушунтирсангиз бўлармиди? Эрингиздан кечирим сўрасангиз, инсофга келиб оиласи бағрига қайтармиди?

— Битта савол берсам майлими? Ни-мага эрингиз билан ниқоҳдан ўтма-гансиз? Бу масалага бекфарқлик қил-гансиз? — Эрим билан халигача ниқоҳдан ўтмаганимизга сабаб — менинг мар-рурлим. Эрим турмуш қуришдан ол-дин: «Менинг фамилиямга ўтасан», деди. Мен «ўтайман» дедим. У киши ҳам ўзига яраша ўжармасми: «Фами-лиямга ўтмасанг, ФХДБдан ҳам ўтмай-миз», деди. Кейин менинг қайсарли-гим тушди. Ниқоҳдан ўтишимиз керак бўлган кун ФХДБга бормадим.

— Сизларнинг ана шу мағрур-ликларингиз анча муаммоларни кел-тириб чиқаради. Агар ажрашадиган бўлсангиз жуда кўп нарсадан қуруқ қоласиз, — деди Сайёра аёлга синч-ков назар ташлаб. — Лекин мен ажрашмоқчи эмас-ман. Бир йиллик танаффус менинг кўзимни очди. Ўйлаб қарасам, тур-муш ўртоғим рисоладагидек эр бўлган экан... Фақат мен сабрсизлик қил-дим. Топган пулиға қаноат қилма-дим. Ота-онанимга кетиб қолган-нимдан сўнг ҳам ўта қайсарлиғига қарамай икки-уч марта орқадан бор-ди. Аммо мен отдан тушсам ҳам эгар-дан тушмадим. У келмай қўйгач, оиланинг, эрининг қадрини тушуниб етдим.

Этилган бошни қилич кесмас де-ганларидек, эрим яшайдиган қиш-лоққа борсам, дегандим. Ўзим шўпшайиб боришга озим чидемайдим.

— Мана бу бошқа гап, — деди Сайёра опа тин олганча, — сиз бил-лан қаерга десангиз боришга тайёр-ман. Ахир биз учун оилани сақлаб қолишдан ҳам муқаддасроқ вазифа борми?..

Улар шаҳардан олтиш километр-лар чамасидеги қишлоқ сари йўл олиш-ди. Қишлоққа кириб келишаркан, йўл бошидаги салобатли ҳовли дарвозаси олдида оқаётган ариққа энгашганча ниманидир юваётган аёлға кўзи туш-ди. У эркаклар далада киядиган этик-ни ҳафсала билан юваётгани учунми, меҳмонларни пайқамди.

— Ассалоуму алайкум... — Ассалоуму алайкум, — деди аёл қўлидаги этикни кўтарганча тик ту-риб.

— Бизга Собир аканинг уйи ке-рак эди, — деди Сайёра опа ёшгина аёлнинг келишган қади-қоматига ҳавасланиб қараб.

Сабоҳат эса аёлнинг қўлидаги этикга қараганча хаё сурарди: «Эр-какларнинг этигини ювадиган аёл ҳам бор экан-да. Балки отасиники-дир, балки ака-укасиникидир. Эри-ники бўлса-чи? Йўғ-е, эрининг эти-гини ким ҳам меҳр билан юварди?

Эримнинг ҳатто пайпоғини ҳам юв-масдим-ку».

— Мана шу рўпараларингиздаги дарвоза. Собир акам бироз ухлаб олай, дегандилар. Ҳозир ўзим уйро-таман... — деди аёл этикнинг юви-лган пойини ерга қўяркан.

Жувон икки аёлни ҳайрон қол-дирганча ичкарига йўнади. Эшик очи-либ Собиржон кўрди. Келинчақ қа-қонлик қилиб пойабазини тўғрилаб қўйди. Нима гапни тушунган икки аёл ташқарига йўнади...

Сабоҳат билан Сайёра аяча йўла-ча сассиз-садосиз кетишди.

— Ўртадаги узилган риштани улашга кечикимиз, — деди Сайёра опа ерга қараганча.

Сабоҳат индамади. Оиласидан ажраганини тушунган Сабоҳат илк марта кўзига ёш олди. Кейин эши-тилар-эшитилмас: «Меҳрнинг ҳам увойи уриши рост экан», деди

— Мен эримни доим шодулик-да, пул топа олмасликда айбладим. Унинг кўрсатган меҳрибонликларига бирор марта жавоб бермадим. Доим ишдан келишгани қовоқ-тумшук қил-ганча, бақир-чақир билан кутиб ол-дим. Боласи бор, қаергага кетарди, деб ўйлабман. Ниҳоят, оила муқад-дас эканини тушуниб етганимда эса кеч бўлган экан. Аввал озиб-тўзиб, тушкун кайфиятда юрарди. Ҳозир тўлишиб, чиройли бўлиб кетибди. Демак, мендан кўрмаган меҳрни бу аёлдан кўрибди-да...

Улар катта йўлга чиқиб олишга-нида куёш қонгалаш уфққа ёнбош-лаётган эди...

Барно БОТИРОВА.

# Дунёдан дараклар

## Аскарлар Ироқни тарк этади

**ЖОРИЙ** йилнинг 31 августига қадар АҚШ Ироқдан ўз қўшинларининг катта қисмини олиб чиқиб кетади. Бу ҳақда мамлакат президенти Барак Обама Атлантада бошланган фахрий-ноғиронлар миллий қурултоида таъкидлаб ўтди. Аслида «Оқ уй» раҳбарининг сайловотида дастурида ҳам 2010 йилнинг августи ойи охиригача Ироқдаги қўшинларни олиб чиқишга ваъда берган эди.

Август ойининг охирига бориб Ироқда Пентагоннинг 50 минг нафар аскари қолади, 90 минг нафари эса уйларига қайтади. Қолган харбийлар асосан Ироқ армиясини қайтадан тайёрлаш ва аскарларнинг жанговарлик қобилиятини оширишга қўмаклашиш



билан шугулланади. 2011 йилнинг декабрига келиб эса АҚШ армияси мамлакатни бутунлай тарк этади.

Эслатиб ўтамиз, АҚШ қўшинлари 2003 йилнинг 20 март куни Ироқда оммавий қирғин қуролини ахтариб мамлакатта бостириб кирган эди.

## Йўловчи самолёт ҳалокати



**ДУШАНБАДАН** сешанбага ўтар кечаси Красноярск ўлкасининг Игарка шаҳри аэропортига қўнаётган пайтда Ан-24 йўловчи самолёти қулаб тушди. Ҳаво лайнери бортида 11 нафар йўловчи ва 4 нафар экипаж аъзоси бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, самолёт учтидан олдир текшириб кўрилган ва унда ҳеч қандай техник камчилик топилмаган. У қўнаётган пайтда ёмғир ёваётгани ва қалин туман туфайли кўниш майдони ёмон кўринган. Натижада ҳаво лайнери аэропорт яқинидаги даракларга, кейин эса ерга келиб урилган.

Портлаш оқибатида 11 нафар киши ҳалок бўлган. Бир нафар йўловчи ва уч нафар экипаж аъзоси тирик қолган. Уларнинг аҳволи оғир. Кеча ҳалокат жойида давлат комиссияси иш бошлади. Хабарларда айтилишича, ҳалок бўлганларнинг оилаларига 2 миллион рубдан суғурта пули берилади.

## Собиқ полициячи қамоқда

**ЖАНУБИЙ** Африка Республикаси суди мамлакат полициясининг собиқ бошлиғи ва Интерполнинг собиқ раҳбари Жеки Селебини 15 йилга озодликдан маҳрум этди. У кўлаб оғир жиноятлар содир этган маҳаллий ишбилармон Гленна Аглиоттидан 170 минг доллар пора олганлиқда айбдор, деб топилди.

Associated Press хабарига айтилишича, Аглиотти ҳам унга қарши кўрсатма берган. Бунинг эъзига унга нисбатан эълон қилинган айрим айбловлар бекор қилинади. Селеби ўзига қўйилган барча айбловларни рад этди. У 2008 йилда пора олганини тўғрисидаги моjarолар бошлангандан сўнг Интерпол президенти лавозимидан кетган эди.

## Муסיқа қироли яшаган уй сотувга қўйилди

**ПОП** муסיқа қироли Майкл Жексон умрининг сўнги кунларида яшаган уй сотувга қўйилди. Унинг дастлабки баҳоси 29 миллион доллар этиб белгиланган. Уч қаватли ҳашаматли бу уй Лос-Анжелеснинг нуфузли туманида жойлашган. Ҳовлининг умумий майдони 5 минг квадрат метрнинг ташқили этиди. 1595 квадрат метрлик бино ичида 7 та ётоқхона, 13 та ювиниш хонаси, иккита меҳмонхона, иккита ошхона, кутубхона ва бир неча иш хоналари ҳамда студия мавжуд. Ҳовлида эса етти машинага мўljаланган гараж ва сув ҳавзаси ҳам бор.

Уйнинг бевосита эгаси кийим ишлаб чиқарадиган Ed Hardy корхонасининг ижрочи директори Хьюберт Гуэс ҳисобланади. У сўнги пайтларда уйни муסיқачига бериб қўйган эди. Майкл Жексон ўтган йилнинг 25 июнь куни вафот этди. Дунё бўйича унинг 750 миллион дона альбоми сотилган.

Интернет хабарлари асосида Рисолат Ибрагимова тайёрлади.

Эй сиз, одамлар, эссиз одамлар...

# ҚИРҒОҚЛАР БИРЛАШМАЙДИ...

**ҚИЁС.** Муболага йўқ, судланувчи ва жабрланувчи бамисоли дарёнинг икки қирғоғи!.. Қирғоқлар эса, бирлашмайди, агар бирлаша – урди Худо — дарё қуриб қолиши аниқ. Бизнинг мисолда ҳам шундай бўлди: уч йил аввал судда бир-бирининг ёқасини йиртган судланувчи ва жабрланувчи қўлга ташлашди, натижаки, бир инсоннинг умрига зомин бўлдилар. Даҳшатлиси, ўша инсон жабрланувчининг туғилган акаси эди...

**СУДЛАНУВЧИ.** Алишер Нишанов — янгийўлик. Ёши қирқда. Шу чоққача уч марта, учаласида ҳам ўрилик жинояти учун судланган. Охириги марта 2005 йилда уч йилга «кесилган» Орадан икки йил ўтиб, тайинланган жазонинг ўтамаган қисми шартлига алмаштирилиши натижасида озодликка чиқди. Чикдию яна «севишли касбини» келган жойидан давом эттиришга тушди. Аввал Н. Жуманов деган фуқаронинг уйдан видеокамера ўғрилади, кўп ўтмай «Росси С. А.» кўшма корхонага қарашли цехнинг электр-автоматини ўмариб кетди... Бу жиноятлари хали совуб улгурмай яна бир ишга қўл урдик, буниси энди алоҳида тафсилотни талаб этади...

**ЖАБРАНУВЧИ.** Газета-журнал сотуви билан шугулланадиган одамни маърифатга берган, деб бўлмас?! Ахир, сигарет-ароқ сотиш қаёқда-ю газет-журнал савдоси қаёқда? Агар «қўли текканнинг оғзи ҳам тегади», деган нақл чин бўлса, Равшан Тешаевни (исми ўзгаририлди — тахририят) бемалол зиё тарқатувчи инсонлар қаторига қўйиш мумкин. Уйига ўриликка тушиб, анча-мунча жабр кўришига сабабчи бўлган Алишер Нишановни кечиринчи замирида ҳам маърифатга ошно кўнгилнинг амри ётмайди?! Бир қарашда шундай. Бироқ ҳалво дегани билан оғиз чучимас экан...

**РЕЖА.** Минг тешика бурун тикмасин, барибир Алишернинг топишида барака йўқ эди. Қандақ барака бўлсин, ахир?! Қолаверса, ўмарган нарсасини арзон-гаровга сотиб, ичадиган одамнинг қўлида пул турармиди?! Яхшиям Равшан бор экан: аввалиги гина-қудуратларни унутиб, «юз грамм-залик грамм»га яраша пул берарди, ўзига яқин олдир, ундан-бундан гурунқ қилади ҳам. Ташқаридан қараган одам уларни яқиндагина судда қир-пичоқ бўлганига кўп-да ишонмайди... Алқисса, муносабатлар тобора қуюқлашди. Айни шундай яқинлик Равшаннинг дилдагини тилига кўчирган бўлса, ажабмас...

**ТАКЛИФ.** Ниҳоят, Равшан гапнинг пўсткаласини айтди: «Алишер, хўп десанг, битта иш бор». Тасдиқ ишорасини олгач, давом этди: «Рустам акамни... биласан-а?». Хўш? «Гал шундаки, у... ёлғиз яшайди, отамдан қолган уйда, муносабатимиз ҳам... ҳалигидай...». Мақсадга тезроқ ўтақолса-чи?! «Мақсад шуки, акамни... «у ёққа» жўналсанг...» Қаёққа? Жавоб яна-да сирли бўлди: «Узооооққа!..» Нима бало, эсини еганими бу?! Алишер аввалига бунга кўп-да эътибор бермади. Ака-ука — эт билан тирноқ, орасида қанча гап ўтмасин, бугун бўлмаса эртага, эрта бўлмаса индинга, албатта, муносабатлар изга тушиб кетади. Бироқ таклиф бир эмас, бир неча марта такрорланди, боз устига алоҳида таъкидландики, «...агар ишни ўхшатсанг, акам яшаётган ҳовлини сотамиз, пулинг ўн фоизи — сеники!..» Икки-уч кун ўйлашиб юргач, Алишер таклифга рози бўлди.

**ТАЙЁРГАРИК.** Дастлаб Равшан акасининг уйини кўрсатди. Хонадонга қачон ва қандай тушиб йўллари, акасининг табиатию жисмоний имкониятлари ҳақида қайта-қайта тушунтиришлар берди. Уйга киришдан аввал, албатта, телефон симини кесиб ташлаш лозимлигини ўқитди. Ўриликнинг ҳадисини олган Алишер учун ўзганинг уйига тушиб чўт эмас. Аммо энди у мол учун эмас, жон учун бормоқда. Демакки, тайёргарлик пухта бўлиши керак. Шундай қилди ҳам. Бир неча кун «объект»ни синчиклаб ўргангач, 2008 йилнинг 26 апрелидан 27 апрелига ўтар кечаси ишга киришди... **ИЖРО.** Осонлик билан девор ошиб, ҳовли

ичига кирган Алишер айвон деразаси очиклигидан хурсанд бўлди. Эшикни гижирлатиб очиб уй соҳибини уйғотиб юбориши мумкин-да. Очик деразадан бир хатлаб ичкарига ўтди. Йўлак охиридаги нарсалар бетартиб жойлашган хонада уй эгаси ухлаб ётарди. Оиласиз эркакнинг аҳволи шу-да, деган уй ўти Алишернинг хаёлидан. Ёнидаги пичоқни эркакнинг иягига энди тираган эдик, у уйғониб кетди. Икки ўртада олишув бошланди... Амаллаб Алишернинг чангалидан қутилган уй соҳиб жонҳолатда чироқни ёқиб юборди. Қараски, бир кимса кўзлари олайиб, ҳансираб турибди. «Кимсан? Нима керак?» — шўрликнинг тилидан учган каломи шу бўлди. Пичоқ жароҳатидан унинг юзидан кучли қон оқарди. Алишер «Пул!» деди. Уй эгаси гандираклаганча диван чеккасидаги шимининг киссасига қўл судди. Борини (ўн минг сўм) тутқаётган чорда Алишернинг пичоқ тутган қўли харакага тушди...

**«ҲИСБОТ».** Эрталаб Алишер «ахборот» бердики, иш бажарилди, энди ҳаққини беринг! Равшан аввалига ишонмади. Исобот тариқасида акасининг уйи калитини кўргач, бирдан шошиб қолди: «Акам... ўлдими?! Бунга ишончинг қомими?! Ишқилиб, сени ҳеч ким кўрмадимми!..» Бунга жавобан Алишер яна пул сўради. Қанча? Икки юз ё уч юз доллар! Равшаннинг ёнида пул йўқ эди, шу боис кеча яқин кўришадиган бўлди. Келишилган вақтда Алишер Равшандан 250 минг сўмга етиб-етмаган миқдорда пул олди...


**ТАЛВАСА.** Алишер «ҳисобот» бергандаёқ Равшанга ўзгартирил пайдо бўла бошлаганди. Ўзгаришчи, унинг вужудини қўрқув-ҳаяжон қамраб олганди?! Бу — охирини ўйламай қилинган ишнинг аччиқ алами-пушаймони ҳосиласими, ким билсин... Қўрқув-ҳаяжонлар қуңдан-қуң кучайиб, талвасага айланди. Айниқда, акасининг дафи, маърака маросимларидаги ҳолати кўпчиликини ажаблантирди. Бу ҳол ички ишлар ҳодимларининг ҳам эътиборидан четда қолмади...

**ЯНА АЛИШЕР.** Уч кунда пулни ичиб-еб битирган Алишер Равшаннинг эшитини қоқди. Мақсад — яна пул ундириш. Қани, «бермайман», деб бўйин товлаб кўрсин-чи?! Ўртадаги сирни очиб-соладики, кейин кўради кўраганини! Энди унинг тизгини Алишернинг қўлида! Ичкаридан садо чиқмагач, тўғри ҳовлига кириб борди. Ҳақиқатда хонадонда ҳеч ким йўқ, барча марҳумнинг маъракаси билан банд эди. Бирор жойдан қуруқ қайтишни хўш кўрмайдиган Алишер бу сафар ҳам одатига хилоф иш тутмади: «маслакдошига» айланган Равшаннинг уйдан кўлга олинадиган нарсаларни олиб чиқиб кетди...

**НИҲОЯ.** «Маслакдошлар»га қайта кўришиши насиб этмади. Боисики, акасининг «еттиси» ўтмай Равшан қўлга олинган бўлса, ўша кунлик Алишернинг ҳам қўлига кишан урилди. Яна бир эътиборли ҳолат — терговда ҳам, судда ҳам айрим «жиноий партия»га ўхшаб, айбни бир-бирига тўнкашлар бўлмади. Сабаби, ўтган беш кун давомида Равшан том маънода тамоюл бўлганда — талваса кучайиб, у ростман руҳий мувозанатдан чиққан, натижада дастлабки тергов жараёнида унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўлашга тўғри келганди. Алишер эса айбига тўлиқ иқролигини таъкидлаб, қонуний жазо тайинланишини сабрсизлик билан кутишга тушганди. Негаки, судда ўзининг айтишича, «...марҳум ҳар тун тушларимда азоб бермоқда».


**АЛҚИССА.** Алишер Нишанов йигирма йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ҳўкма кўра, у жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтади. Равшан эса хали судга етиб бормади — у ҳануз руҳий ҳасталиклар шифохонасида... Иккисининг тинчини бузган каттақадар ҳовли эса кимсасиз, нураб, хувиллаб ётибди...

Мухамбетали БАБАТАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
бошқарма катта прокурори  
Турсунали АКБАРОВ,  
«Mahalla» мухбири.



# «АГРОБАНК»

очиқ акциядорлик тижорат банки



**барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг улғу ва энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллиги куну билан самимий муборакбод этади!**

**Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато қилгани абадий бўлсин!**

**Шодиёна муносабати билан Ўзбекистон халқини табриклар, «Агробанк» қуйидаги банк хизмати турларини таклиф этади**

**«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!**

Хизматлар лицензияланган

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонун бузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда,

### Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДПҚК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари, фуқароларнинг қўнғироқ қабул навбатчилик асосида тўхтовсиз ташкил этилган. Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**

### ФЕРМЕР ТАШАББУСИ БИЛАН

Бугунги кунда аҳолини касаначиликка жалб этиш, халқ хунарамандчилигини, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмаётган.

Яқинда Жиззах вилояти Фориш туманидаги «Бўстонул муслимин» фермер ҳўжалигига қарашли тикувчилик пехи иш бошлади. Фермер Абдуғофир Ясанов банқдан олинган 15 миллион сўм кредит ҳисобига хоржнинг замонавий би-чиш-тиқиш машиналари ва бошқа зарур асбоб-ускуналари билан таъминланди. Туман марказида ташкил этилган мазкур пехга 12 нафар хотин-қиз ишга жалб этилди. Ҳозирда улар турли кийим-кечаклар тайёрлаётган. Айниқса, зардўз-лик буюмлари ва махсус ишчи кийимларига талаб ортиб борапти.

Эътиборли жиҳати шундаки, туманда фермер ташаббуси билан очилган сартарошхона, этиқдўзлик, компьютер ва телевизор тузатиш устaxonалари ҳам фаолият кўрсата бошладди. Натижада кўлаб маҳаллий ёшлар ишла бўлишди.

Гулчеҳра УРАУШЕВА,  
Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси  
ахборот хизмати раҳбари.

2010 йил — Баркамол авлод йили

# САМАРҚАНДАГИ «ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ»

спортнинг 18 тури бўйича етук мутахассислар, республика ва жаҳон чемпионлари етиштириётган нуфузли даргоҳга айланиб бормоқда.

— Бизнинг асосий вазифамиз куйидаги уч йўналишдан иборат, — дейди марказ директори Холмўмин Қодирқулов. — Биринчидан, яқин аҳолидаги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари талабалари учун жисмоний маданиятдан пухта сабоқ бериш. Шунингдек, тўғрақ машғулотларини йўлга қўйишда асосий база вазифасини ўтаймиз. Шу боис бу ерда коллежлараро, вилоят, республика миқёсидаги мусобақалар ўтказиб турилади. Иккинчидан, марказдаги тўғрақларда қатнашаётган истеъодли ёшларни саралаб, маълум мусабоблар тарбиясига олиш ва улардан етук спортчилар, чемпионлар етиштириш доимий эътиборимизда.

Марказимиз замонавий услубда қурилган. Ўзги йўналишлар, қишқик ёшлар халқаро талабаларга жавоб беради. Биргина «Дельфин» ёшқ сузиш ҳавзасидаги шароитлар нуфузли мусобақаларни ўтказиш учун ҳам етарли. 2009 йилда спортнинг турли йўналишлари бўйича қатор республика мусобақалари Самарқанд «Олимпия захиралари тайёрлаш маркази»да ўтказилгани фикримизни исботлайди.

Холмўмин Қодирқулов

марказ имкониятлари тўғрисида тўхталар экан, мутахассислар ҳақида гапириб, енгил атлетика бўйича В.Анисов, Б.Жўраев, триатлон бўйича В.Пашенко, дзюдо бўйича И.Холиқов, муай-тай бўйича Б.Ҳасанов сингари мураббийлар ёшларни ҳар тарафлама баркамол этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётганликларини таъкидлади.

Мавжуд имкониятлар ҳамда устоз-шогирд анъаналари уйғунлиги боис, Баркамол авлод йилида ҳам марказ ёшлари орасида қатор истеъодлар етишиб чиқди. Дзюдо бўйича Ўткир Саломов республика чемпионатида биринчи, Ўткир Курбонов эса Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтказилган жаҳон кубоги мусобақаларида 3-ўринни эгаллади.

Кейинги йилларда марказда оғир атлетика бўйича машғулотларнинг йўлга қўйилгани эътиборли бўлди. Мураббийлар Ф.Адиллов ва А.Баҳриевнинг саяҳатлари тўғрисида Нигора Раупова, Замира Аминжоновна, Эддор Асатуллаев, Фарход Бобоев сингари ёшлар республика чемпионатларида совринли ўринлардан жой олиб, марказда чемпион-

лар сафини кенгайтирмоқда. Сузиш ва бадий гимнастика бўйича эришмаётган ютуқлар ҳам спортнинг бу турларига жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир.

— Ўқувчи-талабаларимизнинг баркамол ўсиб-ўзлаётганида, спорт билан мунтазам шуғулланишларида «Олимпия захиралари тайёрлаш маркази»нинг алоҳида ўрни бор, — дейди вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродулла Холмухаммедов. — Марказдаги имкониятлар, кадрлар салоҳияти талабаларимизнинг жаҳон ареналарига чиқишлари асос бўлмоқда. Ўзги биатлон, дзюдо, кураш, муай-тай, шахмат, триатлон, гандбол, каратэ каби спорт турлари бўйича ушбу марказда сабоқ олаётган ёшлардан 35 нафарини Ўзбекистон терма жамоасининг аъзолари ҳисобланмоқда.

Ҳа, Самарқанд «Олимпия захиралари тайёрлаш маркази» тобора нуфузли спорт масканига айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу даргоҳда шуғулланиш истагини билдираётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда.

Ўткан ҚУРБОНОВ,  
«Mahalla» мухбири.

## Бадий гимнастика



## ЁЗДА ҲАМ ГАВЖУМ МАКТАБ

Ёзги таътилга чиққан болалар аллақачон сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришмоқда. Лекин Қонлиқул туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳар доимгидек ўқувчилар билан гавжум.

Айниқса, бадий гимнастика залида қизалоқлар ҳар куни завқ билан турли машқларни бажаришади. Нафис спорт турининг жажжи вакиллари лента, булава, обручларда қилинадиган машқларни бийонидек эгаллаб олишади.

Бадий гимнастика тўғрисида таътилдан буён спортнинг ушбу тури билан шуғулланишни хоҳловчилар сони кўпайганини инобат-

га олиб, халқ таълими бўлими томонидан тумандаги «Сари олин» фермер ҳужалиғи ҳудудда яна битта тўғрақ ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

— Тўғрақимизда 80 нафар қиз бола шуғулланмоқда. Иштирокиларнинг энг кичиги 5 ёшда. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими бошқаруви ва бошқа ҳомий ташкилотлар ёрдамида 17 млн.

Қонисбой РЕЙМОВ,  
«Mahalla» мухбири

## Инсон ва табиат

### ОҚҚУШЛАРНИ АСРАНГ!

Жинойт ишлари бўйича Мирзачўл тумани суди одатдагидан бошқачароқ ишни — ҳаваскор овчининг жиноий ҳаракатини қўриб чиқиб, уни икки йил муддатга шартли равишда озодликдан маҳрум қилди. Судланувчи табиатга етказган зарари учун 11 миллион 304 минг сўм миқдорда жаримага ҳам тортилди.



Албатта, жазо енгил эмас. Ишнинг мазмунидан беҳабар одам судланувчи табиатга бе-аёв қирон келтирган ашаддий броконьер бўлса керак, деб ўйлаш мумкин. Йўқ, судланувчи Шухрат Норбоев битта оққушни отган эди, холос...

Суд жараёнида даъвогар сифатида иштирок этган вилоят табиати муҳофазат қилиш қўмитаси вакиллари ҳам, туман прокуратураси ходими ҳам, судланувчининг ҳимоячиси ҳам оқил ҳужм қилганларини эътиборга олмади. Чунки «Қизил китоб»га киритилган қушни отганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунида жазо белгиланган.

Жиззах вилоятида юртимиз табиатининг хилма-хиллиги асраб келинаётган даҳсиз ҳудудлар кўп. Ана шундай ҳудудлардан бири — Айдар-Арсасой кўли ва кўл атрофидаги сув ҳавзасида ўлкаимизда доимий яшовчи ва мавсумий қўниб ўтувчи қушларнинг халқаро ва мамлакатимиз «Қизил китоб»ларида киритилган қўшлар турлари учрайд.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда табиати муҳофазат қилишга қаратилган алоҳида эътибор ифодасини Айдар-Арсасой кўли турли тизимини қўриқлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳавзада экологик постлар ташкил этилиб, доимий назоратчилар фаолият кўрсатмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ер, ерости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумхалқ бойлиги экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги белгилаб қўйилган, — дейди

Жиззах вилояти табиати муҳофазат қилиш қўмитаси бўлими бошлиғи Анвар Тойлоқов. — Асосий Қонунимиз негизда мазкур йўналишда йигирмадан зиёд қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ушбу қонун ва меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш асносида аҳоли ўртасида табиат муҳофазатига доир тушунтириш ишларини ҳам олиб бормоқдими. Айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини ошириш дозарб аҳамиятга эга.

Бу борада Форш тумани мактабларида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

Туманининг Айдар-Арсасой кўли яқинидаги Банд шаҳарчаси, Қизилқум қўриқидидаги мактабларда ёш орнитологлар тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тўғрақлар билан «Нурота» давлат қўриқхонаси ва Айдар-Арсасой кўлидаги давлат бионазират постлари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жорий йилда тумандаги 4-12-мактабларнинг ёш орнитологлари Айдар-Арсасой ҳавзасининг Тузқон кўлидаги 2-бионазират пости ҳудудда қушлар саногини ўтказди.

Болалар экомутахассислар қўмитасида бу ишни зўр қизиқиш ва иштиқ билан бажардилар. Бир неча қушлик кузатиш давомида ҳудудда оққушларнинг икки галаси, мингдан зиёд оқ чарлоқ, чаралай, 11 оқ думли бургут ва бошқа қўшлар ноёб қушлар ҳисобга олинди. Бундай тадбирлар ўйил-қизиларнинг юртимиз табиатини, ҳайвонот ва наботот оламини ўрганишда, севишда мумкин ўрин тутди. Демак, бу болалар ҳеч қачон оққушларни отмайдилар.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,  
Ўза мухбири.

## Хабарлар

### ИЛК ИШТИРОҚДАГИ МУВАФАҚИЯТ

Мамлакатимизда жамоавий ўйин турлари алоҳида эътибор берилаётгани натижасида юртимиз спортчилари ушбу йўналишда ҳам муайян ютуқларга эришмоқда.

Яқинда Таиландда чим устида хоккей бўйича аёллар ўртасида ўтказилган навбатдаги Осие кубоги баҳсларида вакилларимиз муносиб натижаларга эришди.

Қитъа жамоалари орасида Ўзбекистон қизлари фахрли 4-ўринни эгаллади. Мусобақа очиқ майдонда эмас, балки ёшқ спорт мажмуасида ташкил этилган ва бундай шароитда қизларимизнинг илк иштирокини инобатга оладиган бўлсак, бу натижа таҳсинга лойиқ.

### ХАЛҚАРО ТУРНИРГА ҲОЗИРЛИК

Шу кунларда мамлакатимиз боксчилари 18 август кунини Россиянинг Грозний шаҳрида бошланадиган нуфузли халқаро турнирда ҳозирлик кўрмоқда.

— Россияда ўтадиган мусобақалар боксчиларимиз учун шу йилнинг октябрида Хитойда бўладиган навбатдаги ёзги Осие ўйинлари олдидан муҳим тайёрлик босқичини ўтади, — дейди бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Ш. Худойбердиев. — Бундан ташқари, Грознийга дунё мамлакатларининг энг кучли боксчилари йиғилади. Бу эса спортчиларимизга келгуси олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари олдидан рақибларини ўрганиш учун қўлай фурсатдир.

Халқаро турнирда муносиб қатнашиш учун бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари айни кунларда «Янгиобод» ўқув машғулот базасида тайёрлик машғулотларини олиб бормоқда.

Абдулла САФОВЕВ,  
«Mahalla» мухбири.

## «Футболимиз келажаги»

### РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА БЕРИЛДИ

Андихон шаҳридаги «Халқлар дўстлиги» стадионида «Футболимиз келажаги» республика ўйинларининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги минтақавий босқич мусобақалари бўлиб ўтди.



Унда ўз вилоятларининг қоллиблари бўлган 7 та жамоа икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро кураш олиб борди. 4 кун давом этган мусосазис учрашувлардан кейин финалغا Андихон вилоятининг «Ал-Бухорий» ва Фарғона вилоятининг «Бозор» жамоалари чиқди. Андихонликлар ўйинда ўзларининг техник ва тактик жиҳатдан анча устунликларини намойиш этиб, 5:0 ҳисобида зафар қучди. Наманган вилоятининг «Бофанда» ва Тошкент вилоятининг «Афрон» жамоалари фахри учинчи ўрин

учун майдонга тушди. Унда наманганликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви, Андихон шаҳар бўлими бошқаруви минтақавий учрашувларнинг муваффақиятини ўтиши учун барча тайёрлик ишларини олиб бордилар. Вилоят маданият ва спорт ишлари, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари ходимлари спортчиларнинг хавфсизлиги, саломатлигини муҳофазат қилишда ва уларнинг маданий дам олишларида катта ёрдам берди.

Узоқбой САКСОНБОВ,  
«Mahalla» мухбири.

«Бухоро» спорт мажмуасида ташкилланган мазкур турнирнинг 13-14 ёшлилар ўртасидаги республика минтақавий босқичи баҳслари ҳам ҳақиқий футбол байрамига айланиб кетди.

Қоровулбозорнинг «Ғўлқувар» маҳалласи ёшларининг маҳаллий муҳлисидан умиди катта эди. Аммо мезбонлар фақат қашқарёлик тенгдошларини кичик ҳисобда маърубията учратди холос. Гуруҳдаги бошқа рақиблари — Сурхондарё ҳамда Самарқанд вилоятлари вакиллари билан дурани ўйнаб арванг ярим финал босқичига йўл оқди.

Ушбу босқичда эса ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган Навоий вилояти Навбахор тумани «Ҳаловаттепа» маҳалласи ёшларига руберу келган мезбонлар (2:3) имкониятини бой бериб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Иккинчи ярим финалда эса Сурхондарёнинг «Дўстлик» (Қумқўрғон тумани) маҳалласи ўсмирлари Хоразм вилояти Хива шаҳри «Янги ҳаёт» маҳалласи вакиллари йирик 5:1 ҳисобида маълул этилди.

Финал баҳсида ҳимоявий тактикани маъқул тошган сурхондарёликлар навоийлик тенгдошларини устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Маълубията қармай иккинчи ўрин соҳиб сифатида навоийликлар ҳам республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди. 3-ўрин учун кечган баҳсларда мезбонлар хоразмлик тенгдошларини 3:0 ҳисобида маълубията учратди.

Мусобақа юлиб ва совриндорлари «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви томонидан эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Алқаб РУСТАМОВ,  
«Mahalla» мухбири.

## МАРАФОН

### САЁҲАТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Ўзбектуризм» миллий компанияси, Франция спорт телеканаллари ҳамда мазкур мамлакатнинг спорт ва соғлом турмуш тарзини ривожлантириш жамияти томонидан қадимги Хивага ташриф буюрган спортчи саёҳатчилар марфонини ўтказишди. Унда иштирок этган 200 нафар хорижий спортчи саёҳатчилар «Осие-Хива» меҳмонхонаси олдидан Ичонқалъа кўчалари бўйлаб Кўҳна Арқача бўлган масофани босиб ўтдилар.

Ҳали спортчиларига Хива ёдгорликлари тасвири туширилган эсдалик совгалари топширилди.

Абдулла САФОВЕВ,  
«Mahalla» мухбири.



## ТУРФА ОЛАМ

### ШОХЛАРИДА ТУРФА ХИЛ ҲОСИЛ

Совун дарахти

Табиат ҳақиқатан мўъжизакор. Ахир, шундай бўлмаса шохларида совун пишиб турадиган дарахт ўсармиди?! Хитой ва Японияда ўсадиган бундай дарахтлар Америка, Гавай ороллари ва Океанияда ҳам кенг тарқалган. Меваси пилшгандан кейин уни бемалол совун ўрнида ишлатиш мумкин. Тропик ва субтропик давлатларда бу дарахт манзарали ўсимлик ва совун оlish учун экилади. Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида, Кавказорти ва Марказий Осиёда бу дарахтнинг 3 та тури ўстирилади. Бёзги турларининг мевасини истеъмол қилиш ҳам мумкин.

Конфет дарахти

Конфет дарахтининг ватани — Япония. Бундай дарахт Корея ҳудудида ёввойи ҳолда ўсади. Шунингдек, бу дарахт Қрим, Кавказ ва Марказий Осиёда ҳам ўстирилади. Ҳақиқатан ҳам, чилонжида-дошлар онасига мансуб бу мевали дарахтнинг этли меваси ширинлик сифатида истеъмол қилинади ва кондитер саноатида ишлатилади. Мевасида 20-23 фойз қуритилганда 47 фойзгача қанд бор. Гули сершира. Ёғочни меҳел ва мусиқа асбоблари тайёрлашда кенг фойдаланилади.

Нигора ИМОННАЗАРОВА тайёрлади.

## Тафаккур дурдоналари

ВАҚТ ҲЕЧ КИМГА БЕФАРҚ ЭМАС

Дўстларини йўқотмаслик учун уларни кечирмоқ лозим.

Агар бахтсизлик келтирадиган бўлса, ҳақиқат тўғрисида ҳам чурқ этмаслик лозим.

Ҳар қандай ишга киришма — бу доволликнинг биринчи белгиси. Ишга киришднгми, уни охиригача етказ — бу донинг маъналикнинг иккинчи белгиси.

Вақт ҳеч кимни суймайди ва ҳеч кимдан нафратланмайди, вақт ҳеч кимга бефарқ эмас — у барчани олиб кетади.

Қадимги миср ва хинд хаққлари ҳикматларидан.